

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ФИЛОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ

ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИ КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК:

ТЕШАБОВ ДИЛМУРОД РАҲМАТЖОНОВИЧ

ФУРҚАТ ЛИРИКАСИДА ЎЗЛАШМА ЛЕКСЕМАЛАР

5A220102 – Лингвистика (ўзбек тили) мутахассислиги бўйича
магистр академик даражасини олиш учун

МАГИСТРЛИК

ДИССЕРТАЦИЯСИ

Илмий раҳбар:

филология фанлари номзоди, доцент

Р.Шукуров.

ФАРҒОНА - 2011

Мазкур тадқиқот иши Фарғона давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар

Р.Шукуров,
филология фанлари номзоди,
доценти.

Ташқи тақризчи

О.Бозоров,
филология фанлари номзоди,
доценти.

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг ахборот ресурслар марказида танишиш мумкин.

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ	7
I БОБ. Ўзбек тилида ўзлашма лексемалар	29
1.1. Форс-тожикча ўзлашма лексемаларнинг қўлланиши.....	41
1.2. Арабча ўзлашма лексемаларнинг қўлланиши.....	47
II БОБ. Ўзлашма лексемаларнинг семантик гуруҳланиши	54
2.1. “Шахс” архисемали ўзлашма лексемалар.....	60
2.2. “Ўсимлик” архисемали ўзлашма лексемалар.....	65
2.3. “Белги” архисемали ўзлашма лексемалар.....	70
ХУЛОСА	74
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	77

ИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Бугун биз тарихий даврда – халқимиз ўз олдига эзгу ва улуғ мақсадлар қўйиб, тинч-осойишта ҳаёт кечираётган, авваламбор, ўз куч ва имкониятларига таяниб, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида улкан натижаларни қўлга киритаётган бир замонда яшамоқдамиз.

Маълумки, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили – бу миллатнинг руҳидир.¹

Манавият инсонга она сути, она намунаси, аجدодлар ўғити билан бирга сингади. Она тилининг муҳим аҳамияти шундаки, у маънавият белгиси сифатида кишиларни яқин қилиб жипслаштиради.²

Ўзбек тили жонли сўзлашув, адабий тил ҳамда ёзуви бўлган, турли тарихий-маданий босқичларни акс эттирган, кўп ёзма манбаларга эга тиллардандир. Тил фактларини тарихий асосда ўрганиш фан учун жуда кўп фойда беради. Асосий луғат фондининг барқарорлиги ва унинг ривожланиши узоқ давом қиладиган процесслиги сўзларга катта аҳамият касб этиб, халқ тарихини ўрганишда бебаҳо манбадир. Тил ҳодисаларини текширувчи халқ тарихини ҳар томонлама ўрганмасдан, тил

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., “Маънавият”, 2008. 3-бет.

² Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., “Ўзбекистон”, 1999. 5-бет.

материалларини тадқиқ қилишга кириша олмайди.¹ Чунки тил элементлари тарихий материал – мисоллар ичида берилади.²

Ўзма манбалар тилини ўрганиш лексикологиянинг назарий қоидаларини асослашга материал беради, мазкур тилда алоқа қилувчи халқнинг бошқа халқлар билан ҳар хил алоқа, муносабатларини аниқлаш ва баҳолашда асосий воситалардан бири сифатида хизмат қилади. Лексика тилнинг бошқа соҳаларига нисбатан турли ички ва ташқи таъсирланиши тезда ўзида ифодалаганидан халқнинг маданий, сиёсий, иқтисодий ҳаётидаги ўзгариш, ўсишни белгилашда асос бўлади. Кишилар ўз тарихларини ўзлари яратадилар, лекин улар тарихни ўзлари истаганча, ўзлари танлаб олган шароитда эмас, балки бевосита мавжуд бўлган, уларга берилган ва ўтмишда қолган бир шароитда яратадилар.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Асримиз бошларида омманинг ўзбек тили адабий шаклига кенг равишда қатнаша бошлаши билан бир вақтда бошқа тилларга мансуб сўзларнинг нисбатан каттагина қатлами ўзлаштирилди.

Ўзбекистон олимлари А.К.Бороков, К.К.Юдахин, В.В.Решетов, Ф.А.Абдуллаев, А.Ҳожиёв, Э.Бегматов, Р.Дониёров, И.У.Асфандиёров, Н.Ғуломова, А.Мадвалиев, О.Усмонов, М.Мирзаев ва бошқаларнинг илмий ишларида ўзбек тилининг умумий ривожланиш жараёнида ўзлашма лексемаларнинг қўлланиш ўрнини аниқлашга анча эътибор берилган.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Ушбу диссертациянинг асосий мақсади, лексик-мазмуний майдонларнинг

¹ Гулямов А.Г. К некоторым вопросам аффиксации в узбекском языке. – В сб.: Академику В.А.Гордлевскому к его семидесятилетию. М., 1953. с. 98.

² Звегинцев В.А. История арабского языкознания. М., 1958. с. 4.

ўзаро муносабати ва лексик системада "ўзлашма лексемалар" микромайдонининг ўзига хос хусусиятини очиш, бу майдоннинг ички майдончаларга бўлиниш асосларини кўрсатишдан иборат.

Тадқиқотда кўзда тутилган асосий мақсадга қуйидаги вазифаларни бажариш билан эришилади: борлиқ-инсон-тил диалектик муносабати масаласини ойдинлаштириш; оламнинг бир бутунлиги ва унинг тилда намоён бўлиш шаклларини аниқлаш; ўзбек тилидаги ўзлашма лексемаларни мазмуний майдонларга таснифлаш орқали лексик системанинг табиатини очиш;

Тадқиқотнинг объекти ва материаллари. Ишда Фуркат лирикасига оид шеърий девонлар, Алишер Навоий асари луғати ва ўзбек тилининг изоҳли луғати материалларидан фойдаланилди.

Ишнинг илмий янгилиги.

- ўзбек тилидаги ўзлашма лексемаларнинг тил системасидаги ўрни белгиланди, улар ички мазмуний гуруҳларга ажратилди;

- ҳар қайси мазмуний гуруҳнинг ички тузилиши белгилаб берилди;

- ўзлашма лексемаларни яхлит ҳолда таҳлил қилиш билан билан, улар таркибидаги ички компонентларнинг мазмуний белгилари ҳам аниқланди;

- тил мазмуний системасида персоналликнинг ўрни белгилаб берилди;

- ўсимлик майдонининг ўзига хос хусусиятлари ифодаланиш усуллари кўрсатиб ўтилди;

- белги майдонининг ифодаланиш усуллари кўрсатиб ўтилди;

- тилнинг лексик сатҳида шахс, ўсимлик, белги ўзлашма лексемаларнинг намоён бўлиши асосланди.

Диссертациянинг назарий аҳамияти. Ушбу магистрлик иши ўзбек тилидаги ўзлашма лексемаларни ўрганиш ҳамда тилнинг экспрессив функциясини ёритиш учун муҳим назарий аҳамиятга эга. Унда ўзбек тилидаги лексемалар муайян мазмуний гуруҳларга бирлаштирилди ва уларнинг ички узвлари хос парадигматик муносабати чуқур таҳлил қилинди.

Магистрлик диссертациясининг амалий аҳамияти. Диссертациянинг хулосалари ва материаллари идеогорафик луғатлар яратишда, тилнинг системавий табиати билан боғлиқ семинарлар ташкил этишда манба сифатида ҳисса қўшади.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги

Диссертациянинг асосий мазмуни муаллиф томонидан эълон қилинган иккита мақолада ўз ифодасини топган.

Тадқиқотнинг тузилиши.

Тадқиқот, кириш, иккита асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 68 саҳифани ташкил этади.

К И Р И Ш

Бугун биз тарихий даврда – халқимиз ўз олдига эзгу ва улуг мақсадлар қўйиб, тинч-осойишта ҳаёт кечираётган, авваламбор, ўз куч ва имкониятларига таяниб, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида улкан натижаларни қўлга киритаётган бир замонда яшамоқдамиз.

Маълумки, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили – бу миллатнинг руҳидир.¹

Манавият инсонга она сути, она намунаси, аждодлар ўғити билан бирга сингади. Она тилининг муҳим аҳамияти шундаки, у маънавият белгиси сифатида кишиларни яқин қилиб жипслаштиради.²

Ўзбек тили жонли сўзлашув, адабий тил ҳамда ёзуви бўлган, турли тарихий-маданий босқичларни акс эттирган, кўп ёзма манбаларга эга тиллардандир. Тил фактларини тарихий асосда ўрганиш фан учун жуда кўп фойда беради. Асосий луғат фондининг барқарорлиги ва унинг ривожланиши узоқ давом қиладиган процесслиги сўзларга катта аҳамият касб этиб, халқ тарихини ўрганишда бебаҳо манбадир. Тил ҳодисаларини текширувчи халқ тарихини ҳар томонлама ўрганмасдан, тил

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., “Маънавият”, 2008. 3-бет.

² Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., “Ўзбекистон”, 1999. 5-бет.

материалларини тадқиқ қилишга кириша олмайди.¹ Чунки тил элементлари тарихий материал – мисоллар ичида берилади.²

Ўзма манбалар тилини ўрганиш лексикологиянинг назарий қоидаларини асослашга материал беради, мазкур тилда алоқа қилувчи халқнинг бошқа халқлар билан ҳар хил алоқа, муносабатларини аниқлаш ва баҳолашда асосий воситалардан бири сифатида хизмат қилади. Лексика тилнинг бошқа соҳаларига нисбатан турли ички ва ташқи таъсирланиши тезда ўзида ифодаланидан халқнинг маданий, сиёсий, иқтисодий ҳаётидаги ўзгариш, ўсишни белгилашда асос бўлади. Кишилар ўз тарихларини ўзлари яратадилар, лекин улар тарихни ўзлари истаганча, ўзлари танлаб олган шароитда эмас, балки бевосита мавжуд бўлган, уларга берилган ва ўтмишда қолган бир шароитда яратадилар.

Ҳар бир адабий “тилнинг ҳозирги ҳолатини тўғри белгилаш, унинг тараққиёт йўлларини аниқлашда тил тарихини пухта ўрганиш катта аҳамиятга эга. Эски ёзма ёдгорликларнинг тил хусусиятларини ўрганиш, улардаги айрим грамматик категорияларни ҳозирги тил элементлари билан чоғиштириб текшириш ўзбек тилшунослиги”³ ва туркалогиянинг муҳим масалаларидандир.

Ўзбек тилининг барча ярусларида бўлгани сингари, лексикасида ҳам катта ўзгаришлар бўлганки, буларни ўрганиш

¹ Гулямов А.Г. К некоторым вопросам аффиксации в узбекском языке. – В сб.: Академику В.А.Гордлевскому к его семидесятилетию. М., 1953. с. 98.

² Звегинцев В.А. История арабского языкознания. М., 1958. с. 4.

³ Мухторов Ж. Ражабов Н. Ўзбек тили тарихини яна ҳам чуқур ўрганайлик. “Ўзбек тили ва адабиёти”, 1960. 6-сон, 75-бет.

Ўзбек миллий адабий тилининг шаклланиши ва ривожланиши тарихини яратишга материал беради.¹

Тилларнинг ўзаро алоқасидаги қийин ҳал бўладиган муаммолардан бири сўз ўзлаштириш муаммосидир. Ҳозирги кунда ўтмиш тажрибаларни ва бир тилнинг иккинчисига таъсири натижаларининг ҳаққоний лингвистик-тарихий тадқиқотини, унинг асосий ғоя ва йўналишларини умумлаштиришга ва тартибга солишга жиддий зарурат пишиб етилди. Тадқиқотчиларнинг диққат эътибори қаратилган муаммолар доираси:

а) ўзлаштирмаларнинг функционал (амалий) ривожланиши;

б) хорижий тилларга мансуб сўзлардан муайян маъновий мақсадларда фойдаланиши;

в) ўзлаштирмаларнинг фонетик ва грамматик хусусиятларини ўрганишдан иборат бўлди.

Бироқ тажрибаларнинг кўрсатишича, ушбу ҳодисани ўрганиш айтиб ўтилганлар билан ниҳоясига етиши мумкин эмас. Ҳанузгача ўзбек тилидаги ўзлаштирмаларнинг услубий-маъновий ўзига хослиги масаласига етарлича ўрганилмай қолмоқда. Гап ўз ифодасига кўра русча сўзга таянадиган ўзбекча маънонинг кам ўрганилган жиҳатларини тадқиқ этиш ҳақида бораётир. Шундай қилиб, ўрганилаётган муаммолар доирасига маъновий типологиянинг ривожланиши муносабати билан янада долзарб бўлиб қолади.

¹ Шукуров Ш. Ўзбек адабий тилининг ривожланиш масаласига доир. “Ўзбек тили ва адабиёти”. 1965 йил, 4-сон, 63-бет.

Асримиз бошларида омманинг ўзбек тили адабий шаклига кенг равишда қатнаша бошлаши билан бир вақтда бошқа тилларга мансуб сўзларнинг нисбатан каттагина қатлами ўзлаштирилди.

Ўзбекистон олимлари А.К.Бороков, К.К.Юдахин, В.В.Решетов, Ф.А.Абдуллаев, А.Ҳожиёв, Э.Бегматов, Р.Дониёров, И.У.Асфандиёров, Н.Ғуломова, А.Мадвалиев, О.Усмонов, М.Мирзаев ва бошқаларнинг илмий ишларида ўзбек тилининг умумий ривожланиш жараёнида ўзлашма лексемаларнинг қўлланиш ўрнини аниқлашга анча эътибор берилган.

Лексикани система сифатида ўрганишнинг кўринишларидан бири сўзларни аслида қайси тилга мансуб бўлганлигига кўра маълум гуруҳларга ажратиш орқали таҳлил этишдир. Сўзларнинг бундай гуруҳлари одатда *лексик қатламлар* деб юритилади. Аммо тилшуносликда, бир томондан, қатлам ҳодисасини аниқ ва изчил тушуниш борасида, иккинчидан, бу тушунчани ифода қилувчи қатлам терминини системали ҳамда изчил қўллашда бир хиллик ва илмий қатъийлик йўқ.

Туркология доирасида кейинги пайтларда рус тилидаги туркий лексика, бошқа ноқардош тиллардаги туркий лексика, шунингдек туркий тиллардаги ўзлашма туркий лексика (масалан, Сибирь татарлари тилидаги ўзбекча сўзлар ва бошқалар) ҳақида бир қатор ишлар ёзилди. Бундай ишларни кузатиш шунини кўрсатадики, уларда луғавий қатлам тушунчаси билан боғлиқ ҳодисалар турлича номланади ва турлича тушунилади.

Мавжуд ишларнинг кўпида ўзлашма сўз гуруҳлари турли параллел терминлар билан юритилади.

Лексикология соҳасига оид бир қатор ишларда қатлам, лексик қатлам тушунчалари ва терминлари кенг ишлатилади. Аммо қатлам тушунчаси бу тадқиқотларда турли маъноларда, бир-биридан фарқли бўлган турли ҳодисаларни англатиш учун қўлланилади.

Я.Пинхасов “қатлам” терминини сўзларнинг социал-диалектал гуруҳларини номлаш учун қўллайди.¹

Профессор Ш.Раҳматуллаев қатлам термини ва тушунчасини кенг маънода қўллайди. У қатлам терминини тил лексикасидаги бир неча ҳодисаларни номлаш, жумладан, сўзларнинг ижтимоий тармоқларига хос гуруҳларини аташ учун ҳам ишлатади, луғавий бирликларни ишлатиш доирасига кўра иккига: ишлатиш доираси чегараланмаган қатлам ва ишлатилиш доираси чегараланган қатламга², шунингдек, сўзларнинг синхроник ва диахроник жиҳатдан функционал гуруҳларини ҳам икки қатламга: замонавий қатлам ва замондош қатлам (неологизм, архаизм, историзм)га бўлади.³ Профессор А.Ҳожиев ҳам шу хусусда тўхталиб, “ўзбек тили лексикасидаги ўз қатлам ва ўзлашган қатламни таҳлил қилади ва ўз қатламни ўзбек тилининг ўзига хос лексик қатламидир”⁴ дейди.

¹ Пинхасов Я. Ҳозирги замон ўзбек тили лексикаси. Тошкент, 1960, С. 50.

² Қаранг. Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1975, 47-50-бетлар.

³ Ўша асар, 52-бет.

⁴ Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1980, 120, 121, 124, 127-бетлар.

Ш.Шоабдурахмонов қатлам терминини ишларида сўзларнинг активлик ва пассивликка кўра гуруҳларини номлашда ҳам ишлатилган.¹

Профессор И.Расулов қатлам терминини ҳарбий соҳага хос сўзлар маъносида ишлатилади: ... уруш даври ўзбек лексикаси, хусусан, унинг ҳарбий қатлами махсус ўрганилмаган каби.²

Қатлам терминини муайян соҳага хос лексика (сўзлар) маъносида қўллаш Н.Мирзаев ва Т.Турсунова ишларида ҳам учрайди: этнографик лексика қатлами этнографик лексиканинг қадимий традицион қатлами каби.³

Қатлам тушунчасини тилдаги ўз ва ўзлашма сўзларнинг тарихий гуруҳларини номлаш учун қўллаш ўзбек тилшунослигида дастлаб В.В.Решетов ва А.К.Боровкин ишларида⁴ кўзга ташланади.

Фахри Камол ўзининг кейинги тадқиқотларида “лексик қатламлар”, “форсий ва арабий сўзлар”, “арабча сўзлар қатлами”, “интернационал сўзлар қатлами”, “асосий лексик қатламларда юз берган ўзгаришлар” ҳақида гапиради.⁵

Ш.Шоабдурахмонов сўзларнинг тарихий-этимологик гуруҳларини “тарихий лексик қатлам” деб юритилади. Бунга унинг ёзилишича, икки ҳодиса киради: а) туб туркий лексик қатлам; б) ўзлашган лексик қатлам.⁶

Ўзлашма қатлам ичидаги кичик қатламларни (микрочаст) ажратиш И.Г.Добродомовнинг ишларида ҳам учрайди.⁷

¹ Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари. Тошкент, 1962, 206-бет.

² Расулов И. Улуғ Ватан уруши йилларида ўзбек тили лексикаси. Тошкент, 1977, 7-бет.

³ Мирзаев Н. Этнографическая лексика узбекского языка. АКД. Ташкент. 1971, С. 5, 8.

⁴ Решетов В.В. Лексический состав узбекской прессы. – Проблемы языка. Вып. 1. Ташкент, 1934, С. 41-51, Боровков А.К. Изменения в лексике узбекского языка и новый алфавит. Ташкент, 1940, Он же. Изменения в лексике узбекского языка и новый алфавит. – “Известия узбекского филиала АН СССР”, 1940, № 2.

⁵ Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1. Тошкент, 1966, 186-188-бетлар.

⁶ Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари, 207-бет.

⁷ Добродомов И.Г. Из аланского пласта иранских заимствований чувашского языка. – 1980, № 2, С. 21.

Қатлам тушунчаси баъзи ишларда лексиканинг хронологик ҳолатини белгилаш, шунингдек, ўзлашма сўзлар этимологик гуруҳини англатиш учун қўлланади. Бу ҳол Э.Ф.Ишбердиннинг ишларида кўринади.¹

Ўзбек тилида лингвистик термин маъносида ишлаётган қатлам сўзи рус тилидаги пласт ёки слой сўзларининг ўзбекча таржимасидир. Пласт ўзбек тилидаги қатлам, қават демакдир.

1. пласт почвы – ер (тупроқ) қатлами; пласт снега – қор қавати;

2. различные пласты в словарном составе языка – тилнинг луғат составидаги турли қатламлари каби.²

Демак, қатлам термини билан маълум қатламларни, қаватларни ташкил этган ҳодисалар номланади: геологик қатламлар, археологик қатламлар каби. “Ўзбек миллий энциклопедияси”да қатлам геологик термини сифатида изоҳланади: “Қатлам (геологияда) – чўкинди тоғ жинслари жойлашиши (кетма-кет ётқизилиши)нинг асосий шакли. Қатлам таркиби бир хил бўлиб, бир-бирига деярли параллел юзалар билан чегараланади”. Қатламни табиий ҳодиса сифатида изоҳлаш “қатламларнинг жойланиши” термини тўлқинида янада ёрқин кўринади: “Қатламларнинг жойланиши... чўкинди ва метаморфик тоғ жинслари, одатда бир-бирига тахминан параллел юзалар билан чегараланган қаватлар ёки қатламлар шаклида жойлашади”.

Демак, қатлам (пласт) термини асл маъносида бирининг юзасига иккинчиси параллел равишда қават (қатлам)ланган ҳодисаларни ифодалайди.

¹ Ишбердин Э.Ф. Монгольские заимствования в башкирском языке. - 1979, № 1, С. 29.

² Русча-ўзбекча луғат. 4 том. Тошкент, 1954. 125-126-бетлар.

Шундай қилиб, луғавий қатламлар дейилганида турли генетик манбага мансуб, муайян миқдорга эга бўлган сўзларнинг турли тарихий даврларда тил лексик системасида қатламланиши (қаватланиши) кўзда тутилади.

Луғавий қатлам тушунчаси муайян тил лексикасидаги луғавий қатламланишни кўзда тутди. Қатламланувчи сўзлар генетик жиҳатдан турли манбаларга, тарихан эса турли даврларга мансуб бўлади. Тил лексикасига мана шу нуқтаи назардан ёндашилса, ундаги сўзлар генетик жиҳатдан икки манбага мансубдир: а) ўша тилнинг ўзиники бўлган сўзлар; б) бу тилга бошқа тиллардан кириб келган сўзлар. Мана шу асосга кўра, тилнинг луғавий қатлами иккига ажралади: 1) ўз қатлам; 2) ўзлашма (ўзлашган) қатлам. Мана шу икки ҳодиса тилнинг луғавий қатламини ташкил этади. Лекин бу умумий тасаввурдир. Амалда ўз қатлам ёки ўзлашма қатламга нималар кириши, бу қатламларнинг ҳар бир конкрет тилдаги кўринишлари, ўз қатламнинг ўзига хос белгилари, ўзлашма қатламига кирувчи луғавий ҳодисаларнинг конкрет белгилари махсус тадқиқотларни талаб қилади.

Ш.Шоабдурахмонов умумтуркий сўзлар устида кенг тўхталади. Бу сўзларни устида кенг тўхталади. Бу сўзларни у “Туркий лексик қатлам” сарлавҳаси остида таҳлил қилади. Умумтуркий сўзларни қуйидагича изоҳлайди: “Шундай қилиб, асосий луғат фонидини ташкил қилувчи умумтуркий характерга эга бўлган сўзлар барча туркий тилларнинг ўзлариники

бўлганидек, ўзбек тилининг, шунингдек, ўзбек халқ шеваларининг ҳам ўзиникидир”.¹

Ш.Шоабдурахмонов тадқиқотларида биринчи бор ўз ва ўзлашма қатлам, умумтуркий қатлам, ўзбекча сўзлар қатлами чегараланди ва конкретлаштирилди.

Ўзбек адабий тилининг лексик таркибини махсус кузатган олималардан бири Г.Муҳаммаджоновадир. у ўзбек тили лексикасида туркий сўзлар, форс – тожик лексик қатлами, араб лексик қатлами, рус тили ва у орқали бошқа тиллардан ўзлашган лексик қатлам борлигини белгилаган.²

Профессор С.Усмонов мулоҳазалари ҳам характерлидир. У ёзади “Ҳозирги ўзбек адабий тилининг луғат таркиби, асосан беш манба негизида таркиб топган:

- 1) умумтуркий сўзлар;
- 2) ўзбекча сўзлар;
- 3) тожикча-форсча сўзлар;
- 4) арабча сўзлар;
- 5) русча ва интернационал сўзлар”.³

С.Усмонов ўзбек тилининг ўзига хос бўлган сўзларини “Ўзбекча сўзлар” сарлавҳаси остида биринчи бор ёритди.⁴

Келтирилган лексик ҳодисалар ва уларни системали номлаш кейинчалик профессор Ш.Раҳматуллаев томонидан янада конкретлаштирилди. У ўзбек тилининг луғат таркибини тарихий шаклланиши жиҳатидан икки катта қатламга: ўз қатлам ва ўзлашма қатламга ажратади.

¹ Ўша асар, 213-бет.

² Муҳаммаджонова Г. Ўзбек тили лексикаси тараққиётининг баъзи масалалари. Тошкент, 1972. 20-70-бетлар.

³ Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. Тошкент, 1978. 32-бет.

⁴ Ўша асар. 173-бет.

Тил луғат таркибини тарихий-этимологик нуқтаи назардан текширганда, аввало, ўзбек тилининг генетик жиҳатдан ўзиники бўлгани сўзлари белгилаб олинади. Бундай сўзлар ўзбек тилида қадимдан мавжуд бўлган туркий тил сўзларидир. Бундай сўзлар ўзбек тили лексикасининг асосий негизини ташкил этувчи қадимий қатламдир. Сўнгра ўзбек тили тарихан қайси тиллар билан алоқада бўлганлигига қараб луғат таркибидан ўзга, яъни чет тилларнинг элементлари ахтарилади. Мана шу нуқтаи назардан ўзбек тилининг луғат таркибидан қадимий уйғур тили, сўғд тили, хитой тили, араб тили, мўғул тили, форс-тожик тили ва бошқа тилларнинг элементларини ахтариш қонунийдир. Бу тиллар ўзбек тили луғат таркибига турли даврларда, турли даражада, турли йўллар билан таъсир этган. Шунга кўра, ўзбек тилига ўтган сўзларнинг миқдори ҳам турли даражададир.

Демак, лексикани тарихий-этимологик нуқтаи назардан текшириш икки масалага қаратилади: а) ўзбек тили лексикасидаги ўз сўзларни белгилаш; б) ўзбек тили лексикасидаги ўзлашган сўзларни белгилаш. Мана шу асосга кўра, ўзбек тили лексикасидаги сўзларни тарихий-этимологик нуқтаи назардан икки қатта қатламга бўлиш мумкин:

1. Ўзбек тили лексикасидаги ўз қатлам.
2. Ўзбек тили лексикасидаги ўзлашган қатлам.

Ўзбек тили ўзаро алоқада бўлган ва таъсирланган форс-тожик тили, араб тили, рус тили ўзбек тили луғат таркибида сезиларли из қолдирди.

I БОБ.

ЎЗБЕК ТИЛИДА ЎЗЛАШМА ЛЕКСЕМАЛАР

Тил луғат таркибининг ривожини маълум қонуниятларга асосланади. Луғат таркибида муайян тарихий даврлар ўтиши билан ўзига хос маълум ўзгаришлар юз бериши мумкин. Бундай ўзгаришлар маълум ички қонуният, ташқи кучлар таъсирида, объектив равишда, маълум мезонлар доирасида юз беради. Тилга бошқа тиллардан сўз қабул қилиш ҳам худди шундай.

Ҳозирги ўзбек тилининг луғат таркиби бу тилнинг сўз бойлиги, лексик – семантик системаси сифатида шаклланган, яхлит ҳодисадир. Ўзбек тилида ҳозирда мавжуд ва қўлланишда бўлган барча сўзлар, грамматик воситалар бу тилнинг ўзиники, унинг ўз бойлигидир. Аммо бу лексик бойлик ўзбек тилида бирдан юзага келган эмас. Ўзбек тили луғат таркиби мураккаб ривожланиш босқичларини бошидан кечирган. Илк даврларда у туркий қабила тиллари ва баъзи қадимий чет тилларнинг айрим лексик элементларини ўзида бирлаштирган ҳолатда бўлган бўлса, кейинчалик ўзбек тили луғат таркибига форс – тожик тилидан, араб тилидан, мўғул ва хитой тилларидан сўзлар қабул қилинган.

Бу иш луғат таркибини илмий тушуниш, илмий анализ қилиш мақсадида амалга оширилади. Тил луғат таркибини тарихий этимологик, яъни сўзларнинг генетик манбаларига кўра анализ қилиш ўзбек халқи тилининг ўтмишда қандай қардош тиллар, шунингдек, қардош бўлмаган чет тиллар билан алоқада ва ҳамкорликда бўлгани, бу тилда қайси тилларнинг таъсири мавжудлигини аниқлашга ҳам кўмаклашади.

Тил луғат таркибини тарихий – этимологик нуқтаи назардан текширганда, аввало, тарихан, генетик жиҳатдан ўзбек тилининг ўзиники бўлган сўзлар белгилаб олинади. Бундай сўзлар ўзбек тилида қадимдан мавжуд бўлган туркий сўзлардир. Бундай сўзлар ўзбек тили лексикасининг асосий негизини ташкил этувчи қадимий қатламдир. Сўнгра ўзбек тили тарихан қайси тиллар билан алоқада бўлганлигига қараб луғат таркибидан ўзга, яъни чет тилларнинг элементлари ахтарилади.

Шундай қилиб, ўзбек тили лексикасининг тарихий-etimологик нуқтаи назардан текшириш икки масалага қаратилади:

- а) ўзбек тили лексикасидаги ўз сўзларни белгилаш;
- б) ўзбек тили лексикасидаги ўзлашган сўзларни белгилаш.

Мана шу асосга кўра, ўзбек тили лексикасидаги сўзларни тарихий-etimологик нуқтаи назардан икки катта қатламга бўлиш мумкин:

1. Ўзбек тили лексикасидаги ўз қатлам.
2. Ўзбек тили лексикасидаги ўзлашма қатлам.

Ўз қатлам ҳам, ўзлашма қатлам ҳам, ўз навбатида яна конкрет қатламларга бўлинади. Бирор сўзнинг ўз қатлам ёки ўзлашма қатламга мансуб бўлиши доимо конкрет ходисадир. Масалан, кўй(моқ), бош, бош(ламоқ) сўзлари ўз қатламга мансуб, чунки бу сўзлар – генетик нуқтаи назардан туркий тил сўзлари, демак, ўзбек тилининг сўзи. Шунинг учун бу сўз ўз қатламга мансуб. Аммо қалам, адабиёт, қалъа сўзлари ўзбек тилига араб тилидан кирган, шу туфайли бу сўзлар ўзлашма қатламга мансуб.

Тил луғат таркибидаги сўзларни ўз ва ўзлашма қатламларга ажратиш анчагина билим ва малака талаб қилувчи мураккаб ишдир. Бунинг учун, аввало, ўз қатламга кирувчи ўз сўзнинг баъзи

ўзига хос белгиларини билиш талаб қилинади. Бундай белгилар, одатда, сўзнинг фонетик структураси, маъноси, график шаклидан ахтарилади.

Ўз қатламга оид сўзларнинг баъзи муҳим белгилари деб тубандагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Ўз қатламга оид сўзларнинг аксарияти кўп маънолидир. Сўзнинг маъно тармоқланиши бу сўзнинг ўзбек тилида кўп даврлардан бери яшаб келаётганидан далолат беради. Ўзлашма қатламга оид сўзлар маъноси кўп ҳолда чегаралидир.

2. Ўз қатламга оид сўзларнинг асосини конкрет маъноли лексемалар ташкил қилади. Ўзлашма қатламга тегишли сўзлар эса кўпроқ абстракт маънолидир.

3. Фонетик структурасига кўра ўз қатламга мансуб сўзлар шундай белгиларга эга:

а) асл туркий сўзлар, асосан бир бўғинли (*ер, ем, тез, туз, оз*); икки бўғинли (*тинти, толқон, тирна, кегай*); уч бўғинли (*тирқира, йўнғичқа, йигирма*) бўлади;

б) бир бўғинли туркий сўзлар кўпроқ ундош + унли + ундош шаклига эга: *кул, кун, дўқ, дўл каби*;

в) икки бўғинли туркий сўзлар кўпроқ очиқ бўғинлардан тузилади: *икки, ола, олма, ориқ, этик, эрин, эрта каби*;

г) туркий сўзлар *р, л, в, ҳ, ҷ* товушлари билан бошланмайди. Бу товушлар билан бошланувчи сўзлар ўзлашма қатламга мансубдир;

д) туркий сўзлар охири *э (е), ў* унлиси билан тугамайди. Баъзи ундов ва мимемалар шунингдек, *де* сўзи билан бундан мустасно: *ҳе, эҳе, ўҳў, бў, мў каби*;

е) туркий сўзлар таркибида оралик товуш *ж*, бўғиз товуши *ҳ*, қориқиш товуш *ц* келмайди. Таркибида *ҳ* товуши келувчи баъзи ундов ва мимемалар бундан мустасно: *ҳим, уҳ, аҳ, ҳа-ҳа, қаҳ-қаҳ* каби;

ё) туркий сўзларда биринчи бўғиндан кейинги бўғинлар ҳеч вақт унли товуш билан бошланмайди;

ж) бўғин бошида, ўртасида ва охирида икки ундош товуш ёнма – ён келмайди. Ўзбек тилидаги *ост, уст, айт, арт, арч, берк, бўрт, йирт, кўкс, мўлт, орт* каби сўзларбилч, *гурс, зирқ, йилт, терт, пирқ* сингари тақлидий сўзлар бундан мустасно;

з) унли билан бошланувчи туркий сўзлар жуда оз: *ов, ой, оз, ол, от* каби;

и) охири унли билан туговчи (*тўқи, олти, етти*) сўзлар ҳам кам учрайди;

к) туркий сўзларга хос муҳим орфоепик белги сўз урғусининг охирги бўғинда бўлишидир;

л) морфологик жиҳатдан туркий сўзларда икки хусусият кузатилади:

м) туркий аффикслар кўпинча ундош билан бошланади: - *чи, - лик, - дир, - тир, - лар, - ни, - да, - дан* каби;

н) туркий тилларда префикслар учрамайди. Ўзбек тилидаги префикслар бу тилга ўзлашма қатлам таркибида кирган элементлардир.

Ўзбек тили луғат таркибининг бойишида ички манба имкониятлари муҳим манбадир. Ҳозирги ўзбек тили луғат таркибининг тахминан ярмини туркий сўзлар ташкил қилади. Шунга қарамасдан дунёдаги ҳеч бир тил ҳам фақат ўз ички

манбаларигагина таяниб иш кўрмаганидек, ўзбек тили учун ҳам фақат ўз сўзлари, ўз қатлам бойлиги ва имкониятларигагина кифоя қилмайди. Ўзбек тили луғат таркибининг бойиши ва такомиллашувида ташқи манба (ресурс) ҳам муҳим роль ўйнади. Умуман, ҳар қандай тил соф ҳолда яшай олмайди. Турли тилларнинг турли тарихий шароитларда ўзаро маълум муносабатда бўлиши қонуний ҳолдир. Бундай муносабат алоқада бўлган тиллар ривожига, айниқса унинг луғат таркибида маълум изларни қолдириши мумкин. Шу сабабли ҳам дунёдаги барча тиллар луғат таркибидаги, жумладан ўзбек тилининг луғат таркибидаги ўзгаришлар учун умумий бўлган икки қонуният кузатилади:

- 1) эскини янги билан алмаштириш;
- 2) бошқа тиллардан сўз қабул қилиш. Демак, ўзбек тилининг луғат таркиби ўз тараққиётида икки манбага таянади:
 - а) ички манба;
 - б) ташқи манба.

Ҳозирги ўзбек тили тарихан мураккаб ривожланиш ва шаклланиш босқичларини бошидан кечирган. Ўзбек тили уруғ ва қабила тиллари, халқ тили, миллий тил даврларида бир қатор қардош тиллар, шунингдек, чет тиллар билан алоқада бўлган.

Туркий уруғ ва қабилалар тили жуда қадимий даврларда Ўрта Осиёда азалдан яшаб келган “эроний тиллар” билан алоқада бўлган. Ўрта Осиёда, жумладан, ҳозирги Ўзбекистон территориясида яшовчи халқ эроний тиллар группасига кирувчи маҳаллий тил лаҳжаларида гаплашган. Бу эроний уруғ – қабилалар, халқлар – сўғдлар, саклар, массагетлар, бактриялилар,

парфиянлар, париканийлар, хоразмийлар ва бошқаларнинг тили бўлган.

Ўзбек тили ўтмишда бир қатор қардош бўлмаган, бошқа системадаги тиллар билан ҳам алоқада бўлган. Бундай тиллар форс – тожик ва араб тилларидир.

Ўзбек тили ўзаро алоқада бўлган ва таъсирланган форс – тожик тили, араб тили, унинг луғат таркибида сезиларли из қолдирди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Бундай сабабларнинг муҳимларидан бири ўзбек тилининг форс – тожик ва араб тиллари билан алоқасида ўзбек тилининг эгаси бўлган халқда икки тилликнинг юзага келганлигидир.

Ўзбекистон худудида яшовчи халқлар, жумладан, ўзбеклар орасида билингвизм ҳодисаси ҳам қадимдан мавжуддир. Ўз она тилидан ташқари, ўз тили учун қардош бўлмаган бошқа бир чет тилда ҳам гаплашиш ўзбеклар орасида анчадан бери мавжуд. Икки тил – ўзбек ва тожик тилларида гаплаша олувчи аҳоли Моварауннаҳр (Амударё ва Сирдарё ўрталарида) VI асрда ва ундан илгари ҳам истиқомат қилган. VI аср ва ундан кейинги даврларда туркий ва тожик тилларда параллел гаплаша олувчи аҳоли Шош вилояти (қадимги Бинкент – ҳозирги Тошкент атрофлари)да кўп учрар эди. Ўзбек – тожик икки тиллиги ўзбек аҳолиси орасида ҳозирда ҳам мавжуд. Смарақанд, Бухоро шаҳрининг баъзи раёнлари аҳолиси ҳозирда ҳам ўзбек ва тожик тилларида бемалол гаплаша олади.

Навоий даврида ўзбек – тожик икки тиллиги кенг тарқалган ҳодиса эди. Бу даврда икки тилда ижод қилган зуллинисонайн шоирлар анчагина бўлган. Адабий ижод соҳасидаги

икки тиллилик анъаналари Навоидан кейинги шоирлар Махмур, Гулханий, Фазлий, Нодиралар ижодида ҳам давом этди.

Ўрта Осиёда араблар ҳукмронлиги даврида ўзбек – араб тиллари алоқаси юзага келди. Бу даврда араб тили давлат ва дин тили, фан ва расмий ёзишмалар тили сифатида кенг тарқалди.

Ўзбек тилига араб тилидан сўз олиш, асосан, ўзбек – араб билингвизми даврида (VII-IX асрлар) кучли бўлди. Кейинги даврларда ўзбек тилига янги сўзлар сезиларли даражада қабул қилинмади, балки ўзбек тилига кирган кўпгина арабча элементлардан бир қисмининг эскириши ва ўзбек тилидан чиқиш жараёни юз берди. Алишер Навоий тилида ишлатилган кўпгина араб сўзлари XIX аср ўзбек тилида, шунингдек, ҳозирги ўзбек адабий тилида учрамайди. араб тилиданнинг ўзидан бевосита сўз олиш XI асрлардаёқ деярли тўхтаган эди. Аммо турли даврларда арабча ёзма манбаларда, шунингдек, эски ўзбек тили ёзма ёдгорликларида сақланган арабча сўз гуруҳлари у ёки бу даврларда фаоллашиб турди. Масалан, XX аср бошларида ва 20-йиллар ўзбек тилида илмий атамалар сифатида фаоллашиб арабча сўзлар ана шу кейинги манбалардан олинган эди.

Тилларнинг ўзаро алоқаси ва ҳамкорлиги, бу туфайли юзага келувчи икки тиллилик бир тилдан иккинчи тилга ҳар хил тил элементларининг ўтишига сабабчи бўлади. Бир тилдан иккинчи тилга тил элементларининг қабул қилиниши, ўтиши ўзлаштириш деб юритилади. Ўзлаштириш туфайли бир тилдан иккинчисига ўтган тил элементлари ўзлашмалар деб номланади. Ўзлашмаларни тилнинг қайси ярусига тегишлилигига, структура элементи

эканига кўра, ўзлашма сўзлар ёки лексик ўзлашмалар, фонетик ўзлашмалар, ўзлашма морфема деб юритилади.

Тилларнинг узоқ муддатли контакти туфайли бир тилдан иккинчи тилга:

- 1) сўзлар қабул қилинади;
- 2) сўзлар таркибида сўз ясовчи аффикслар ўзлаштирилади;
- 3) икки тилда ўхшаш товушлар пайдо бўлиши мумкин;
- 4) синтактик жиҳатдан бир типли, ўхшаш синтактик конструкциялар туғилади;
- 5) лексик, семантик гибрид типли калькалар юзага келади;
- 6) сўзларнинг маъносида силжишлар (инклинация) жараёнлари пайдо бўлади ва бошқалар.

Ўзлашмалар тилнинг турли ярусларига, соҳаларига тегишли бўлиши мумкин. Шу туфайли сўз ўзлаштириш, ўзлашма фонема, ўзлашма морфема (ўзлашма сўз таркибига киради), ўзлашма синтактик структура, ўзлашма маъно (семантик ўзлашмалар) ҳақида гапириш мумкин.

Ўзбек тилига лексема ўзлаштиришнинг манбалари турли даврларда турлича бўлган. Тадрижий жиҳатдан лексема ўзлаштиришдаги энг қадимги манбалар деб форс, тожик, араб тиллари кўрсатилади. Рус тилидан лексема ўзлаштириш буларга нисбатан анча кейинги вақтларда содир бўла бошлаган.

Форс, тожик, араб тилларидан лексема ўзлаштириш тарихан актив бўлган, ҳозир эса пассивлашган.

Ўзлашган лексемалар ҳозирги ўзбек тили луғат бойлигида анчагина ўрин тутди. Тил тараққиётининг бориши ўзлашган қатламнинг, айниқса, байналмилал лексемалар ҳисобига бойиб боришини кўрсатади.

Умуман, кейинги вақтларда луғат бойлигининг бойиш жараёнида ўз яшадан кўра ўзлаштириш устун бўлиб бормоқда. Чунки ўзлаштириш ўз яшашга нисбатан енгил йўл. Жамият тараққиётининг ҳозиргидек тез суръатлар билан бориши тил амалиётида ҳам ҳар он ҳозиржавобликни талаб қилмоқда. Тиллараро ўзлаштиришларнинг фаоллаша боришига асосий сабаб – шу.

Лексема, асосан, икки йўл билан ўзлаштирилади:

1) жонли сўзлашув орқали;

2) босма манбалар орқали.

1) Жонли сўзлашув орқали ўзлаштириш ҳар хил тил вакилларининг ўзаро бевосита алоқалари натижасида воқе бўлади, бир тилга хос лексема иккинчисига сўзлашув нутқида хос шаклида ўзлашади, кейинчаликки бу лексема адабий нутққа ҳам ўтиши мумкин. Адабий нутққа олинишида баъзан бу лексеманинг сўзлашув нутқида хос шакли сақланади, кўпинча эса сўзлашув нутқи шаклидан воз кечилиб, адабий нутқ шаклида олинади.

Масалан, арабча *танур*, тожикча *кабутар* лексемалари ўзбек тилига жонли сўзлашув орқали *тандир*, *каптар* шаклида ўзлашган ва адабий нутқда шу шакли расмийлаштирилган; *поднос*, *кровать* лексемалари рус тилидан жонли сўзлашув орқали *патнис*, *каравот* шаклида ўзлаштирилиб, адабий нутқда ҳам шу шакли расмийлаштирилган.

Бундай ҳолатлар ўзлаштирилаётган лексема талаффуз жиҳатидан ноқулай бўлганида ёки ўзлаштирилаётган тилга фонетик жиҳатдан бўйсундириш лозим бўлганида юз беради. Жонли сўзлашув орқали ўзлашмаларда товуш ўзгариши,

албатта, мавжуд бўлади деб ўйлаш тўғри эмас. Ўзлашаётган лексема талаффуз жиҳатидан қийинчилик туғдирмаса, бундай лексема ўз фонетик шаклини сақлаган ҳолда сўзлашув нутқиға кириб келаверади. Тожик тилидан ўзлашмаларнинг кўпчилиги худди шундай ҳолатда олинган лексемадир.

2) Босма манбалар орқали ўзлаштиришда икки ҳодисани фарқ қилиш керак:

а) иккинчи бир тилда ёзилган адабиётни ўзбек тилиға таржима қилиш йўли билан ўзлаштириш. Бунда кундалик матбуот ва публицистикани ҳам хиссаси катта бўлади. Газета саҳифалари бундай ўзлаштирмаларни ўрганиш учун, айниқса, бой материал беради;

б) ўзбек бадиий адабиётининг ўзи орқали ўзлаштириш. Булар ёзувчининг бошқа миллат тили ва адабиётини яқиндан ўрганиши асосида воқе бўлади. Аммо бундай ҳолларда ёзувчидан жуда эҳтиёткорлик ва дид талаб қилинади. Ёзувчилар ўз она тилини бойитишда, ўстиришда фаол қатнашади. Уларнинг муқаддас бурчи, аввал, ўз она тили бойлиғидан тўлиқ ва моҳирлик билан фойдаланишдир. Шунинг билан бирга, ўз она тилини ўзга тилдан ўзлаштириш йўли билан бойитишнинг ҳам аҳамияти катта. Аммо бу иш ёзувчидан, ўз она тилидан ташқари, ўзи мурожаат қилаётган тилни, айниқса, унинг луғат бойлигини чуқур ўрганган бўлишини талаб қилади. Акс ҳолда, лексема танлашда хатоға йўл қўйиш мумкин.

Ўзлаштириш – бир тилдан иккинчи тилға маълум тил элементларининг кўчиши, киришидир. Бундай элемент, сўз, баъзи ҳолларда товушлар, шунингдек, ўзлаштирилган сўз таркибига кирган морфема бўлиши мумкин. Ўзбек тилиға араб, форс – тожик

тилларидан анчагина сўзлар ўзлаштирилган. Форс – тожикча сўзлар таркибидан ўзбек тилига – *кор, - каш, - дор, - гар// - кар, - зода, - соз, - гоҳ, - гир, - ёна//-она, - боз//-воз, параст, - хона, - нома, - гўй, - но, - бе, - дар, -бад, - бан, - бо* сингари бир қатор элементлар ҳам кирган.

Ўзлаштириш ходисаси, асосан, сўз ўзлаштиришдан иборатдир. Чет тилидан ўзбек тилига ўзлаштирилган бошқа элементлар, асосан, бу тилга ўзлашма сўзлар таркибида кирган. Сўз ўзлаштириш ўзбек тилига бирор бир чет тилдан сўз олишдир.

Сўз қабул қилинган тилга кирган, яъни сингган бўлиши учун бир қатор талабларга жавоб бермоғи лозим.

1. Ўзлашган сўз уни қабул қилувчи тил қонуниятларига бўйсунди.

2. Сўз қабул қилувчи тил лексик – семантик системасига боғланган, унга сингишган бўлади.

3. Ўзлашган сўз худди ўз сўздек табиий ва аниқ бўлади, ундан шубҳаланиш, уни бошқа сўзлар билан қориштириш хавфи йўқолади.

4. Сўз қабул қилувчи тил эгаси бўлган халққа худди ўз сўзидек туюлади. Унинг ёт элемент эканлиги сезилмайди.

5. Сўз ўзлашган бўлса, бу сўзнинг тилдан тез чиқиб кетиш эҳтимоли бўлмайди. Бундай сўзнинг “кераксизлиги” ҳақида, уни тилдан “чиқариш” ҳақида ўринсиз мунозаралар бўлмайди ва бошқалар.

Ўзлашмалар ўзбек тилига турли йўллар билан кириб келади. Арабча ўзлашмаларнинг кўпи ўзбек тилига ёзма манбалардан, қисман оғзаки нутқдан ўзлаштирилган. Форс – тожик элементларининг ўзлашишида ёзма манбалар билан бир қаторда

оғзаки тил контакти муҳим роль ўйнаган. Турмушга оид, ҳунармандчилик, касб-кор, деҳқончилик ва чорвачилик, оддий муомала ва расм- русумларга оид тожикча сўзларнинг кўпи ўзбек тилига ўзбек – тожик маҳаллий шеваларининг ўзаро алоқаси натижасида кириб келган.

Ўзбек тилидаги ўзлашма қатламни ўзлаштиришнинг тарихий – хронологик тартибига кўра тубандагича кўрсатиш мумкин:

1. Форс – тожик лексик қатлами.
2. Арабча лексик қатлами.

1.1. ФОРС – ТОЖИКЧА ЎЗЛАШМА ЛЕКСЕМАЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ

Ўзбекларнинг аجدодлари эроний тилда сўзловчи аҳоли билан қадимдан бирга яшаб келган, улар билан қўшилган, аралашган. Туркий ва эроний (сўғд) қабилалар қадимдан территориал яқин, ўхшаш ҳаёт кечирган, иқтисодий – маданий алоқада бўлган, чет эл босқинчиларига қарши биргаликда курашган.

IX-X асрларда форс – тожик адабий тили ва маҳаллий тожик тили ўзбек тилига кучли таъсир ўтказди. Бу таъсир XI-XII асрларда, айниқса, кучайди. Бу даврга келиб форс адабий тили ўша вақтда давлат, адабиёт ва дин тили бўлган араб тилини сиқиб қўяди ва истеъмолдан суриб чиқаради. Сомонийлар династияси даврида (IX-X асрлар) араб тили ўрнига “форсийи дари” ёки форсий тил, яъни дарий деб аталган маҳаллий тил адабий тил сифатида кенг ёйилади. IX-X асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросонда яшовчи эроний тилда гаплашувчи аҳоли дарийлар ёки тожиклар деб юритилган. “Форсийи дари” яъни форс адабий тилига Хуросонда яшовчи тожикларнинг сўзлашув тили асос бўлган.

Тожик тилининг ўзбек тилига таъсирини тўрт аспектда олиб қараш мумкин:

- 1) ўзбек тилига қадимий эрон тиллари (сўғд, қадимий хоразм тили ва б.) таъсири;
- 2) ўзбек тилига янги форс адабий тили таъсири (IX-XV асрлар);
- 3) ўзбек тилига тожик адабий тили таъсири (XV асрдан кейинги даврлар);

4) ўзбек тилига маҳаллий тожик шевалари таъсири (турли даврларда).

Ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро таъсири икки томонлама бўлди. Тожик тили ўзбек тилига таъсир этгани каби, ўз навбатида, ўзбек тили ҳам тожик тилига ўз таъсирини кўрсатган.

Ўзбек ва тожик тиллари ўзаро бевосита тўқнаш келган, аралашган тиллардир. Шунинг учун тожикча сўзлар ўзбек тилига бевосита тожик тилининг ўзидан олинди.

Хуллас, В.В.Бартольд тили билан айтганда: “... агар араб тили мусулмон дунёси учун Европадаги латин тилидек аҳамиятга эга бўлса, форс тилини француз тилининг таъсири билан танглаштириш мумкин”.

Ҳозирги ўзбек тили лексикасида анчагина тожикча сўзлар бўлиб, ўзбек тили лексикасида туркий сўзлардан кейин миқдор жиҳатдан иккинчи ўринда туради.

Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги тожикча ўзлашмалар кўпроқ конкрет ва реал нарса, ҳодисалар тўғрисидаги тушунчаларни ифодаловчи сўзлардир. Тожикча ўзлашмалар кундалик турмуш учун энг зарурий ва серистеъмол сўзлардир. Шу туфайли тожикча сўзлар ўзбек тилининг луғат таркибига аллақачонлар чуқур ўрнашиб сингиб қолган лексемалардир.

Тожикча ўзлашмаларнинг зарурий, серистеъмол сўзлардан иборатлиги, ўзбек тилига аллақачон сингганлиги бу сўзларнинг ўзбек аҳолисига ўз тили сўзидек туюлишидан ёрқин сезилади: *пойтеша, обдаста, оташкурак, дастурхон, меҳмон, мезбон* ва б.

Форс-тожикча ўзлашма лексемаларнинг баъзи муҳим белгилари деб тубандагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Сирғалувчи *ж* (*дж*) товуши учрайди: *мужда, гижда, мужгон*;

2. Сўз охирида ундошлар қатор келади: *тахт, бахт, дард, гўшт, фарзанд, дарахт* каби;

3. *о* унлиси чўзиб талаффуз қилиб айтилади: *нон, баҳор, наҳор*;

4. Сўз бошида *даст* элементи бўлади: *дастгоҳ, дастрўмол, дастхат*;

5. Сўз бошида *пой* элементи учрайди: *пойдевор, пойтеша, пойқадам*;

6. *ф, д* каби юмшоқ учрайди: *дилафрўз, дилбар, дилгир, фусунгар, фигон*;

7. Ўзбек тилидаги *олд* (перепфикслар) қўшимчалар форс-тожикча сўзлар учун хос.

Фурқат ўзининг асарларида, лирикасида форс-тожикча лексемалардан фойдаланган. Айрим ўзлашма лексемалар ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз. Форс-тожик тилидан ўзлашган баъзи сўзлар бугунги кунда истемолда бўлмаса-да, улар англатган тушунча бошқа лексемалар ёрдамида ифодаланиб келмоқда.

Абру – қош

Арвугон – баҳорда очиладиган қизил гулли дарахт.

Афгор – яраланган, жароҳатланган, мажруҳ.

Базм – ўйин – кулгили суҳбат.

Бода – май, ичимлик.

Бахш – 1) парча, бўлак, ҳисса, улуш. 2) бағишлаш, берувчи, бағишловчи. 3) кечиш, кечириш, мурувват, эҳсон.

Гардан – айланадиган.

Гирибон – кийим ёқаси.

Гулгаиш – 1) гулзор сайри. 2) гулбоғ, гўзал жой.

Гулгун – гулранг, пуштиранг.

Устоҳ – адабсиз, тортинмайдиган, тортинмас.

Гухар – қимматбаҳо тош, гавҳар.

Дилбасталиқ – бировга кўнгли боғланганлик, ошиқлик, севган.

Дилфигор – дилхаста, дили яра, мажруҳ.

Ёсуман – хум исли, оқ ва сариқ тусли гул (жасмин).

Жавҳар – қимматбаҳо тош.

Жовидон – абадий, мангу, мудом, доим.

Жом – қадаҳ, май пиёласи.

Жўйбор – дарё, сой, катта ариқ.

Зангбер – чанг, кора, ғубор, кеча, ҳабашистон.

Зону - тизма-тиз, ёнма-ён, жуда яқин.

Зерин – 1) ҳижолат бўлмоқ 2) бирор нарсанинг ости, таги.

Зуннор – мусулмон давлатларида яшовчи христианлар мажбуран белга боғлаб юрадиган маълум бир рангдаги чилвир.

Зулф – аёлларнинг 2 чеккасидан тушиб турган кокиллари, сочи.

Маҳз – 1) холис, соф, нуқул 2) фақат, фақатгина, ёлғиз.

Малул – қайғули, ғамгин, хафа маъноларини англатади

Мушк – кора тусли ва хуш исли нарса.

Мижгон – киприк.

Мужда – хушxabар, суюнчи хабар.

Мушиқор – бир хил чолғу асбоби.

Наврас – янги ўсиб келаётган, ёш, ўспирин.

Ноб – тоза, тиниқ, соф.

Настарин – оқ очиладиган бир хил гул.

Озурда – ранжиган, озор чекиш.

Ошуб – ғавғо, тўполон, хаяжон, қўрқув.

По – тоб, тоқат, қувват, қудрат.

Пираҳан – кўйлак.

Пайваста – ҳамиша, доим, туташган.

Раҳна – йиқиқ, дарз, ёриқ.

Рафтор – юриш.

Рўзи – кундалиқ овқат, насиба, тириклик воситаси.

Сабза – майса, яшиллик, яшил ранг.

Сангдил – тошкўнгил, кўнгли қаттиқ.

Сум – оёқ, туёқ.

Сиймоб – симоб.

Суман – саман, ёсмин сўзининг қисқаргани, оқ-сарик рангли хуш исли гул.

Саргашта – боши айланган, хайрон, саргардон.

Тийри – қора, қоронғу.

Тавсан – шўх от, ўйноқи от, тойчоқ.

Тагофул – билиб-билмасликка солиш.

Фишон – сочувчи, сепувчи, тўкувчи.

Хирад – ақл, фикр, зеҳн, ҳуш.

Хуршид – қуёш, офтоб.

Хоб – уйқу.

Хок – ер юзи, тупроқ.

Чашм – кўз.

Чоҳ – чуқур, кудук.

Шабистон – ички харам доираси, қоронғу кеча, қоронғулик.

Шукуфа – ғунча, чечак.

Шамшод – сарвга ўхшаган хушқомат ва чиройли дарахт.

Яғмо – талон-тарож, бузғунлик.¹

¹ Алишер Навоий асарлари луғати. – Тошкент, 1972.

1.2. АРАБЧА ЎЗЛАШМА ЛЕКСЕМАЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ

Ўзбек адабий тили лексикасида аслида арабча бўлган анчагина сўзлар учрайди. Арабча сўзларнинг ўзбек тилида мавжуд бўлиши ўтмишда Ўрта Осиё худудининг араблар томонидан истило қилиниши ва бунинг тарихий – ижтимоий оқибатлари билан боғлиқдир.

Араб тилининг кенг тарқалиши, ўзбекча (туркий) – арабча ва арабча – тожикча икки тиллилик, пировардида, туркий тилларга кўпгина арабча сўзларнинг кириши ва ўзлашишига олиб келди.

Ўзбек тилидаги арабча ўзлашмаларнинг кўпчилиги маълум маъно ифодаловчи сўзлардир. Ҳаттоки конкрет предмет ва ходисалар номи бўлган сўзларда ҳам қандайдир мавҳумлик оттенкаси мавжуд: ғалаён, миқёс, мавж, соҳиб, айём, ғубор ва б.

Арабча абстаркт (мавҳум) маъноли ўзлашма сўзлар кўпроқ китобий услуб лексикасига тааллуқлидир. Улар поетик сўзлар, илм – фан терминларидир. Шу туфайли арабча ўзлашмалар кўпроқ ўзбек адабий тилининг пассив қатламларига, жузъий услубларига тегишлидир. Шу билан бирга, арабча ўзлашмалар орасида бир қатор конкрет маъно англатувчи кенг истеъмол сўзлари ҳам мавжуд. Булар баъзи уй-рўзғор буюмлари, қурол-яроғлар, қуш ва ҳайвон номларидир: *товус, саъва, қанд, асал, райҳон, сандиқ, қулф, арава, атир* ва б.

Арабча ўзлашмаларнинг маориф ва тарбияга оид баъзи типлари ҳам конкрет маъноларни англатади: *мактаб, давог, қалам, дафтар, синф* ва б.

Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги арабча сўзлар умумий тарзда баҳоланса, улар а) меҳнаткаш халқ тилига, кундалик турмуш тилига сингган, серистеъмол сўзлар (ғалла, мол, савдо, савол, фотиҳа, тавба, одам, амма, хола); б) китобий услубга оид сўзлар (миллат, фармон, ҳуқуқ, истеъмол, истибдод, низом, масалан, манфий, махраж, тадқиқот, мулозим, муҳандис); в) ўқимишли кишилар тилидагина қўлланувчи баъзи сўз типларидан (илҳом, мажмуа, ижод, мудофаа, муаллиф, оммавий, зурриёт, таваллуд) ибратдир.

Ўзбек тилига арабча сўзларнинг, асосан, бирлик англатувчи шакллари ўзлаштирилди: боб, байт, вазн, ариза, ватан, давр, дин, жинс, жасад, зид, лутф, мол. Аксинча, баъзи сўзларнинг эса кўплик шакли ўзлаштирилди: афкор, авзў, ақрабо, авлод, вужуд, кибор, аслаҳа, талафот, кибор ва б. Кўплик шаклида ўзлаштирилган сўзлар одатда ўзбек тилида бирлик маъносида қўлланилади. Уларнинг аслида кўплик формасидаги сўз эканлиги ўзбек тилида деярли сезилмайди: муваффақият, ғолибият, маълумот, таълимот, зиддият ва б. Бу сўзларнинг кўплик шакли ўзбек тилида – *лар* қўшимчаси ёрдамида юзага келтирилади: муваффақиятлар, маълумотлар, таълимотлар, зиддиятлар каби.

Арабча ўзлашмалар ўзбек тилига семантик жиҳатдан ҳам мослашган. Арабча сўзлар маъносидаги семантик тараққиёт узоқ давр мобайнида ўзбек тилининг коммуникатив функцияси талаблари асосида юзага келган.

Арабча сўзлар ўзбек тилига, асосан, уч йўл билан кирди:

1) Арабча сўзлар ўзбек тилига бевосита араб тилининг ўзидан китоб, мадраса ва дин орқали ўзлаштирилди. Бу сўзлар диний ва китобий лексика бўлиб, мавҳум маъноларни ифода қилади;

2) Арабча сўзлар ўзбек тилига араб тили билан яқин алоқада бўлган, араб тилидан энг кўп таъсирланган форс – тожик тили орқали кирди. Форс – тожик тили орқали ўтган сўзларга нисбатан кўпчиликни ташкил қилади. Бу сўзлар илм – фанга оид, дин ва ишлаб чиқаришга оид сўзлар, шунингдек поетик лексикадир.

3) Ўзбек тилидаги арабча сўзларнинг оғзаки тил орқали ўтганини ҳам инкор қилиб бўлмайди. Араб оғзаки сўзлашув тилининг маҳаллий туркий шевалар билан тўқнашгани ва бу контакт туфайли халқ тилига баъзи арабча сўзларнинг кирган бўлиши шубҳасиздир. Баъзи кундалик турмуш ва хўжаликка оид сўзлар, конкрет предметлар, уй – рўзғор буюмлари, озиқ – овқат номлари, шунингдек, диний терминлар ўзбек тилига оғзаки тил орқали қабул қилинган бўлиши керак.

Ўзбек тилига оғзаки тил орқали кирган арабча ўзлашмалар бошқа манбалар орқали кирган сўзларга нисбатан камчиликни ташкил қилади. Буни ўзбек шевалари лексикасида арабча сўзлар миқдорининг камлиги ҳам тасдиқлайди.

Арабча ўзлашма лексемаларнинг баъзи муҳим белгилари деб қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Тутуқ белгили лексема араб тилига мансуб (русча-байналмилал (халқарор) сўзлар бундан мустасно);

2. Сўз таркибида унлилар қатор келади: *раис, шоир, оид, доим, саодат, маориф*;

3. Кўплик қўшимчаси сўз олдида бўлади: *хулқ-ахлоқ, шоир-шуаро, шеър-ашор, хабар-ахбор* каби;

4. *-от, -ат, -илло, - улло, -ий, -вий* унсурлари билан араб тилига хос: *ахборот, ҳайвонот, наботот, шахсият, табиат, Абдулло, оилавий, илмий* каби;

5. Арабча сўз таркибида *г, ж (дж), ч, т, нг* товуши учрамайди;

6. Сўз бошида *-ик, -иқ, -ак, -му, -ма* унсурлари бўлади: *икром, акром, иқбол, муаллим, мактаб, маҳорат*;

7. Бўғиз товуши *ҳ* учрайди.

Ўрта Осиё араблар томонидан забт этилгач, сиёсий ҳамда маънавий ўзгаришлар маҳаллий халқлар интеллектуал турмуш тарзининг барча соҳаларига араб тили ва араб маданиятининг кириб келишига замин яратди. Шунини таъкидлаш керакки, араб тили ўзбек тилига фақат ислом дини тили сифатидагина эмас, балки фан тили, расмий идоравий услуб тили, бадиий адабиёт тили сифатида ҳам таъсир этди. Туркий тилларга дастлаб диний, сўнгра ижтимоий-сиёсий, илмий ва маданий соҳага оид арабизмлар кириб келди. Арабча сўзлар нафақат туркий тилларга, балки у билан доимий бирга яшаб келган форс-тожик тилига ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Айём – кунлар, давр, чоғлар, замонлар, вақтлар.

Айш – турмуш, яхши турмуш.

Азёр – бегоналар, ётлар, ғайирлар, рақиблар.

Анбарин – анбар ҳидли, хушбўй.

Анжуман – йиғилиш, базм.

Асрор – сирлар.

Амон – жой маъносида.

Аҳмар – қип-қизил, қизил.

Андалиб – булбул.

Бисмил – суйилган, бош кесиш, сўйиш.

Бисот – тўшама, гилам, палос.

Барқ – чақмоқ, чақли, яшил.

Байтулҳазан – ғам уйи, қайғу уйи.

Балият – бало, ранж, машаққат.

Басоат – бўстонлар, гулбоғлар.

Бурқаъ – юзга тутиладиган парда, ниқоб.

Баид – узоқ, йироқ.

Барқ – чақмоқ, чақин, яшин.

Вола – берилган, мафтун, хайратга қолган.

Дахр – дунё, олам, замон, давр.

Дома – давом этсин.

Дур – инжу, марварид.

Дайр – бутхона.

Жавр – азият, ситам, олам.

Жавоҳир – қимматбаҳо тош.

Зақан – бақбақа.

Зулм - жабр.

Зухур – зоҳир бўлиш, кўриниш.

Ифша – фош этиш, очиш, ошкор қилиш.

Лаъл – қизил рангли тош (қип-қизил лаб).

Ламъан – ёлқин, шула, порлоқлик, равшанлик.

Малоҳат – гўзаллик, ҳусн.

Маҳзун – ғамли, қайғули, ҳафа.

Мурғ – куш, паранда, товуқ.

Мусалсал – бир-бирига занжирга ўхшаб уланган, кети узилмас даражада сирланган, занжир шаклидаги.

Машом – ҳид билиш аъзоси, бурун, димоқ.

Муяссар – осонлик билан юзага чиққан, ҳосил бўлган.

Маҳтоб – ойдин маъноларини англатади.

Наҳл – кўчат, хурмо дарахти.

Наъли – ковуш, тақа, этик ва ковушнинг товонига қоқиладиган металдан ясалган бўлак.

Нисор – сочиш, чочки (хурматли кишининг бошидан гул, танга ёки тилло сочиш).

Нукта – нозик маъноли сўз, қизик, чиройли сўз.

Ораз – юз, бет, чеҳра, талъат...

Рафаъ – юксак, баланд.

Равза – боғ, гулзор, жаннат.

Саҳл – осон, енгил, қулай, арзимас.

Самум – ҳалокатли иссиқ шамол, қаттиқ гармсел.

Сафолиғ – ёруғлик, равшанлик, порлоқлик.

Савб – томон, тараф.

Саҳв – хато, янглиш, унутиш.

Сиво – бошқа, ўзга.

Силк – 1. ип (марвариб каби тошлар ўтказиладиган). 2. қатор, тизим.

Соҳ – болдир, дарахт танаси, ўсимлик пояси.

Сунбул – бир турли хушбўй қора рангли ўсимлик.

Субҳ – тонг пайти.

Таҳаммул – тоқат, сабр, чидам.

Тасҳир – илинтириш, забт этиш, ром қилиш, қўлга олиш.

Тифл – гўдак, ёш бола, чақалоқ бола.

Унноб – чилонжийда.

Фориғ – 1. тинч, хотиржам. 2. қутилган, озод.

Хат – янги чиққан мўйлаб.

Қосид – хабарчи, хат ташувчи, элчи, чопар.

Ғамза – кўз ишораси.

Ғариб – мусофир, бошқа жойдан келган, кимсасиз.¹

¹ Алишер Навоий асарлари луғати. – Тошкент, 1972.

II БОБ

ЎЗЛАШМА ЛЕКСЕМАЛАРНИНГ СЕМАНТИК ГУРУҲЛАНИШИ

Тил луғат таркиби ва унинг луғавий бойликларини тадқиқ қилиш билан боғлиқ муайян қийинчиликлар мавжуд. Бу аввало, луғавий материални маълум системага солишнинг мураккаблигидир. Тилнинг фонетикаси, морфологик ва синтактик структурасида муайян системалилик, морфологик ва синтактик структурасида муайян системалилик мавжуд. Бу ҳол уларни илмий тасниф қилиш ва ўрганишни осонлаштиради. Лексикада системалилик тилнинг бошқа соҳаларидагидек кўзга ташланиб турмайди. Бунинг устига, сўзлар тилдаги бошқа воситаларга (товушлар, аффикслар ва бошқаларга) нисбатан миқдор жиҳатдан кўпдир.

Сўзларни тематик гуруҳларга ажратиш муайян халқ тилида қайси соҳаларга оид лексиканинг бой ёки камбағаллигини белгилашга имкон беради. Ўз ва ўзлашма қатламлар лексикасини тематик гуруҳларга бўлиш ва уларни қиёсий ўрганиш ўз қатламда қандай соҳаларга оид сўзлар сақланиб турганини, қайси соҳаларга оид сўзлар тарихан чиқиб кетгани ва улар ўрнини ўзлашган сўзлар эгаллаганини аниқлашга йўл очади.

Тил – борлиқни ифодалайди. Шундай экан, тил билан борлиқ узвий алоқадордир. Тил ва борлиқ муносабати фалсафадаги марказий муаммолардан биридир, шунинг учун ҳам бу масалага бағишланган бир қанча асарлар майдонга келди.

Ҳозирги кунда тилшуносликда системавий тадқиқотларга жиддий эътибор берилди бошланди. Бу тадқиқотларнинг ўзига хос

хууссияти шундаки, лингвистик фактларга автоном ҳолда ёндашган, ҳар қайси ҳодисанинг остида яшириниб ётган моҳиятнинг очилишига эътибор берилади. Тадқиқотчи эътибори кўпроқ лингвистик ҳодисалар ўртасидаги муносабатни ёритишга қаратилади.

Ф.де Соссюр тилшунослар диққатини лингвистик birlikлар орасидаги муносабатни очишга қаратиб, муносабатнинг парадикматик ва синтакматик турлари мавжудлигини кўрсатган эди.

Лингвистик birlikларнинг муайян бирлаштирувчи маъно асосида маълум парадигмаларга бирлашуви кейинчалик тилшуносликда майдон назариясини вужудга келтирди.

Лингвистика эса “маъно” (мазмун) умумийлиги билан бирлашган ва белгиланаётган ҳодисаларнинг тушунчавий, предметлик ва вазифавий (функционал) ўхшашлигини акс эттирувчи тил birlikлари (асосан, лексик birlikлар) йиғиндиси майдон сифатида белгиланади¹.

XIX асрда лексик (умуман, тил) birlikлар(и) умумийлигига М.Покровский томонидан эътибор қаратилди. Майдон тушунчасининг назарий талқини И.Трир, Г.Ипсен, В.Порциг, Л.Вайсгербер, А.Йоллес ишларида кўзга ташланади, кейинроқ А.А.Уфимцева, Н.И.Филичева, Ю.Н.Караулов, Г.С.Шчур кабилар ишлари билан бу назария ривожлантирилди.

Лингвистикага майдон назарияси мазмуний майдон тушунчаси сифатида кириб келди.

Бу назариянинг пайдо бўлиши ўтган асрнинг 20-30-йилларига тўғри келиб, у В.Гумбольдтнинг “тилнинг ички шакли”

¹ Лингвистический энциклопедический словарь. М.: СЭ, 1990, - С.380.

хусусидаги таълимотини қайта – янги йўналишда кўриб чиқилиши билан боғланади. Бу даврда узоқ давом этган лингвистик тадқиқотларнинг асосий объекти бўлган “тилнинг ички шакли” сифатидаги илмий баҳслар ушбу назариянинг дунёга келиши учун асос бўлади¹.

Ўзбек тилшунослигида тил бирликларини майдон асосида ўрганиш кенг йўлга қўйилмоқда. Бу усул, бизнинг назаримизда, айниқса, лексикани ўрганишда катта аҳамиятга эга. Ўзбек тили лексикасини макромайдон сифатида қаралгани ҳолда, уни микромайдонларга ажратиш тезауруслар, идеографик луғатлар тузишга катта самара беради. Шунинг учун ҳам лингвистик майдон ва тил луғат таркибини бундай майдонларга ажратишнинг назарий асосларини чуқур, атрофлича ўрганиш ҳозирги ўзбек тилшунослиги олдидаги энг долзарб муаммолардан саналади.

Системавий тилшуносликнинг ривожланиши ва тил бирликларининг структур-функционал таҳлилининг кенг тармоқ олиши натижасида лингвистик бирликларнинг фақат шаклий томонигина эмас, балки мазмуний томони ҳам структуравийлик хууссиятига эга бўлди.

Лингвистик бирликларнинг муайян мазмуний майдонларга бирлашуви, майдонга бирлашган узв(компонент)ларнинг иерархик тузилиши ва улар ўртасида гиперо-гипонимик муносабатнинг мавжуд бўлиши лингвистик семантикадаги ана шу структуравийликнинг ўзига хос кўринишидир.

Мазмуний майдон муайян лингвистик бирликларнинг маълум мазмуний умумий асосида бир бутун таркибига бирлашувидир.

¹ Искандарова Ш.М. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс микромайдони): Филол.фанлдокт....дисс... Тошкент, 1999, 45-бет.

Ана шу хууссият мазмуний майдонни парадигма тушунчаси билан яқинлаштиради. Лекин парадигма тилнинг фақат бир сатҳига мансуб бўлган *гомоген* бирликларнинг маълум умумий белги асосида бир бутун таркибига бирлашуви ҳисобланиши билан характерланади. Парадигмадан фарқли равишда мазмуний майдон аъзолари турли сатҳга мансублик белгиси билан ёки *гетерогенлик* белгиси билан фарқ қилади.

Тилнинг турли сатҳлари бирликлари, ўз навбатида, уларнинг категориялари бир-бири билан узвий боғлиқдир. Бу хусусда айрим тилшунослар турлича муаммоларни ҳам ўртага ташламоқдалар: “Морфологик шахс категорияси синтактик персоналлик категориясини, морфологик замон категорияси синтактик темпораллик категориясини, майл категорияси синтактик модаллик категориясини ҳамда ифода мақсади категориясини, нисбат категорияси синтактик алмашилиш категориясини моддийлаштириш учун хизмат қилади”¹.

Бир сўз бир неча мазмуний майдоннинг аъзоси бўлиши мумкин. Чунки лексик бирликларнинг мазмуний мундарижаси, яъни семаси бир неча самаларнинг ўзаро муносабатидан ташкил топган бутунлик бўлиб, унинг ҳар бир семаси шу лексеманинг алоҳида-алоҳида майдонларнинг аъзоси бўлишига имконият яратади. Бу эса майдонлар ўртасидаги узвий алоқани таъминлайди.

Мазмуний майдон аъзоларининг бир сатҳга ёки турли сатҳга мансуб бўлишлик белгисидан қатъий назар, уларнинг ҳаммаси бир умумий тушунчани ифодалаши билан бирлашади. Мазмуний

¹ Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш. Грамматик категория муаммосига доир айрим мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. 1998, 6-сон, 25-бет.

майдон аъзоларининг ҳаммасида уларнинг ҳар бирида такрорланувчи бирлаштирувчи (интеграл) сема мавжуд бўлади. Ана шу интеграл сема майдон ҳосил қилиш вазифасини бажаради. Шу билан биргаликда, мазмуний майдоннинг ҳар бир аъзоси бошқалардан фарқ қиладиган фарқловчи (дифференциал) белгига ҳам эга. Натижада мазмуний майдон аъзоларининг ҳар бири интеграл ва дифференциал семалар муносабати бирлигидан ташкил топади.

Интеграл семалар шу birlikларнинг марказий (ядро) семалар сифатида уларни айна мана шу мазмуний майдонга бирлаштиришга хизмат қилса, фарқловчи семалар чегара семаларни ташкил қилади ва улар бу майдон аъзоларини бошқа майдонлар таркибига киритишга имкон беради. Демак, мазмуний майдон аъзоларининг чегара семалари майдонлар ўртасидаги узвий алоқани таъминлаш учун хизмат қилади.

Лингвистик birlikларни мазмуний майдонларга бўлиб ўрганиш структур семантиканинг асосий методларидан бири саналади.

“Ҳар қандай лисоний тушунчага системавийлик нуқтаи назаридан ёндашсак, муайян маъно умумийлиги асосида бирлашган ва ўзаро зидланувчи шакллар системаси ГК (грамматик категория – Ш.И.) ҳисобланади. Маъно умумийлиги ГК таркибидаги ҳар узвда бирлаштирувчи семанинг такрорланишини, зидланиш эса бир ГК таркибига бирлашган ҳар қайси узвнинг ўзига хос, фарқланиш хусусиятига эга эканлигини билдиради¹.

¹ Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш. Грамматик категория муаммосига доир айрим мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. 1998, 6-сон, 22-бет.

Ўзбек тилшунослигида ономасиологик тамойилга асосланган, тил мазмуний мундарижасига майдон сифатида ёндашув асосидаги тадқиқотлар анча оммалашди. Жумладан, А.Собиров ўзининг “Ўзбек тилининг лексик сатҳини система сифатида тадқиқ этиш” мавзусидаги тадқиқотида лексик сатҳга мазмуний майдон сифатида ёндашган бўлса¹, Н.Нишонова ва Д.Ваққосовалар лексик сатҳ таркибидаги маълум микромайдонларнинг семантик таҳлилига² Ҳ.Ҳожиева ва Ф.Сафаровлар эса мазмуний структурадаги турли сатҳларга хос бирликларнинг структур таҳлилига³ эътибор қаратдилар.

¹ Собиров А. Ўзбек тилининг лексик сатҳини система сифатида тадқиқ этиш: Филол.фанл.докт....дисс.автореф. Тошкент, 2005.

² Нишонов Н.Р. Ўзбек тилида “хайвон” архемасига лексемалар майдонининг мазмуний таҳлили: Филол.фанл.докт....дисс.автореф. Тошкент; Ваққосова Д.В. Ўзбек тилидаги анемонимларнинг семантик таҳлили: Филол.фанл.докт....дисс.автореф. Фарғона, 2005.

³ Ҳожиева Ҳ.Я. Ўзбек тилида ҳурмат майдони ва унинг лингвистик-нутқий хусусиятлари: Филол.фанл.докт....дисс.автореф. Самарқанд, 2001; Сафаров Ф.с. Ўзбек тилида сон-микдор микромайдони ва унинг лингвистик-нутқий хусусияти: Филол.фанл.докт....дисс.автореф. Самарқанд, 2004.

2.1. “ШАХС” АРХИСЕМАЛИ ЎЗЛАШМА ЛЕКСЕМАЛАР

Изоҳли луғатларда *персонал* сўзининг ходимлар, идора ходимлари, шахсларга нисбатан қўлланилиши эътироф этилади¹. Шунга кўра “шахс” семаси билан умумлашган тил бирликларини персоналлик майдонига бирлаштирдик. Ўзбек тилида ушбу микромайдонга мансуб бирликлар тилнинг турли сатҳларида кузатилади. Жумладан, морфемик сатҳда аффиксал морфемалар ёки лексик морфемалар таркибида уларнинг турлича гуруҳларини белиглаш мумкин.

Персоналлик майдонига мансуб бўлган морфемик бирликлар сирасига ўзбек тилидаги шахс номларини шакл ҳосил қилувчи айрим бирликларни киритиш мумкин. жумладан, “шахс” семали отларни ҳосил қилишда иштирок этувчи – *чи*, - *кам*, - *соз*, - *поз*, - *хон*, - *дўз*, - *шунос* сингари морфемалар микромайдоннинг элементи саналиши мумкин. Ўзбек тилшунослигида шахс отлари ясовчи аффикслар, уларнинг айрим маъно хууссиятлари борасида профессор Ё.Тожиевнинг фикрлари эътиборга молик², шунингдек, Р.Салоевнинг тадқиқоти ҳам юқоридаги масалага бағишланган³.

Ё.Тожиев аффиксал синонимлар ёрдамида ясалган лексемалар ўртасидаги мазмуний фарқланиш ҳақида фикр юритганда ясама шахс номлари ҳақида ҳам тўхталади ва *пиллакаш*, *пиллачи*, *пиллакор* лексемалари ўртасидаги бирлаштирувчи ва фарқловчи семаларни ишонарли далиллар

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1 том. М.: СЭ, 1981. –Б.582; Русча-ўзбекча луғат. 2 том. Тошкент: ЎСЭ, 1984, - 53-бет.

² Тожиев Ё. Ўзбек тилида шахс отлари ясовчи аффикслар синонимияси. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1987.

³ Салоев Р.Б. Ўзбек тилида исми фоллар: Филол.фанлари.номзоди... – дисс.автореф. Самарқанд, 1994.

асосида очиб беради. У шахс от ясовчи – *чи* аффиксининг полисемик табиатини очиб беради ва 24 та семани ажратади¹.

“*Шахс*” семаси асосида *наврас, азёр, қосид, фишон, тифл, жувон, порсо, мунший* каби ўзлашма лексемалар лексик сатҳ доирасида бир парадикматик системанинг элементларини ташкил этади. Қуйида “*шахс*” архисемаси асосида бирлашган ўзлашма лексемаларни семантик хусусиятлари борасида тўхталиб ўтамиз.

Маълумки, “*шахс*” архисемали лексемалар “жамиятдаги алоҳида бир киши” семаси асосида бирлашади ва улар ўзаро “*шахс*” семаси орқали бир парадигмани ташкил этади.

Бир парадигмага мансуб бирликлар умумий (бирлаштирувчи) белгига эга бўлиши билан бирга, ҳар қайсиси бир-биридан фарқ қиладиган хусусий белгиларига ҳам эга бўлади. Хусусий (фарқловчи) белгиларга эга бўлиши парадигма аъзоларининг ўзаро зидланишига ва алоҳида тил бирлиги сифатида тил системасида яшашга имкон беради.

“*Шахс*” архисемали лексемалар ичида *наврас* лексемаси ўз доирасидаги бошқа бирликлар билан “жамиятдаги алоҳида бир киши” семаси воситасида умумий белги ифодалайди.

“*Шахс*” архисемали бир парадигмани ташкил қилувчи лексемалар таркибидаги *наврас* лексемаси “ёш”, “янги ўсиб келаётган”, “ўспирин” семалари билан ўзи мансуб бўлган парадигма аъзоларидан фарқ қилади. “ёш”, “янги ўсиб келаётган”, “ўспирин” белгилари *наврас* лексемасининг хусусий (фарқловчи) белгиси ҳисобланади.

Масалан:

¹ Тожиев Ё. Ўша асар, 16-17-бет.

*Эй назокат гулшанида сарв қадди наврасим,
Тортарам қумри каби ҳажрингда ёҳу кечалар.* (Фурқат).

“Шахс” архисемали лексемалар парадигмаси таркибидаги *азёр* лексемасининг умумий семаси ҳам “жамиятдаги алоҳида бир киши” семаси саналади. *Азёр* лексемаси бу семаси билан “жамиятдаги алоҳида бир киши” лексемаси билан туташади. “Бегоналар”, “ётлар”, “бошқалар”, “рақиблар” семалари “шахс” архисемали парадигмага мансуб *азёр* лексемасининг хусусий семаларини ташкил этади.

*Йигламайму кечалар ҳолимни ўртаб шамъдек
Бўлса тонг отқунча шум азёра базм оралигинг?* (Фурқат).

Фишон лексемаси “жамиятдаги алоҳида бир киши” семаси билан бир парадигмани ташкил этувчи аъзо сифатида юзага чиқади.

“Жамиятдаги алоҳида бир киши” семаси *фишон* лексемасининг умумий семасини ифодалайди. *Фишон* лексемасининг “сочувчи”, “сепувчи”, “тўкувчи” семалари бу лексеманинг хусусий белгиси саналади.

*Эсди жонпарвар насим, бўлгоч булут қатра фишон
Ғунчалар қилдию, юз очди гули сероблар.* (Фурқат).

“Шахс” архисемали лексемалар парадигмаси таркибидаги *қосид* лексемасининг умумий семаси “жамиятдаги алоҳида бир киши” семаси саналади. “Хабарчи”, “хат ташувчи”, “элчи”, “чопар” семалари “шахс” архисемали парадигмага мансуб *қосид* лексемасининг хусусий семаларини ташкил этади.

Тифл лексемаси “шахс” архисемали парадигма аъзосини ташкил этади. “Гўдак”, “ёш бола”, “чақалоқ бола” каби хусусий белгиларга эга. “Жамиятдаги алоҳида бир киши” семаси *тифл* лексемасининг умумий семаси ҳисобланади.

Шодлигдин кўз ёшим тарқатти васлинг муждасин,

Тифллар гўё югургай ийддун етгач навид. (Фуркат)

Жувон лексемаси “жамиятдаги алоҳида бир киши” умумий семасига эга ва “шахс” архисемали парадигма аъзосини ташкил этади. “Йигит”, “йигитча”, “ёш йигит” каби хусусий семаларни англатади ва ўзи мансуб бўлган парадигма аъзоларидан фарқ қилади.

Фориз эрмас ҳеч ким ул дилрабонинг ишқидин,

Зулмига дилбасталиг ҳар бир жувону пирда.

Порсо лексемаси ҳам “жамиятдаги алоҳида бир киши” умумий сема асосида “шахс” архисемали бирликлар қаторидан жой олади. “Сақланувчи”, “ёмон ишлардан ўзини сақловчи”, “художўй” каби белгиларга эга ва бу белгилар *порсо* лексемасининг хусусий семаси ҳисобланади.

***Шоиру хушрўйлар, мунши чобукдастлар,
Порсолар, шайхлар, ҳожию хушкирдорлар.*** (Фурқат).

Мунший лексемаси ҳам айнан “шахс” архисемали парадигмани “ёзувчи”, “котиб” семалари билан намоён бўлишини ифодалайди.

Умуман, “шахс” семали лексемалар “шахс” микромайдони доирасида, бутун тил системасида алоҳида ўрин тутди.

2.2. “ЎСИМЛИК” АРХИСЕМАЛИ ЎЗЛАШМА ЛЕКСЕМАЛАР

“Ўсимлик” семаси асосида *ёсуман, шамшод, мушк, сарв, унноб, суман, сунбул, нахл, арвугон, настарин* кабилар лексик сатҳ доирасида бир парадигматик системанинг элементларини ташкил этади. Қуйида “ўсимлик” архисемаси асосида бирлашган ўзлашма лексемаларнинг семантик хусусиятлари борасида тўхталиб ўтамиз.

Маълумки “ўсимлик” архисемаси лексемалар “ҳаво ва тупроқдаги органик ва анорганик моддалар билан озиқланадиган” “бирор жойга ўрнашган ҳолда ўсадиган” семалари асосида бирлашади ва улар ўзаро “ўсимлик” семаси орқали бир парадигмани ташкил этади.

“Ўсимлик” архисемаси лексемалар ичида *ёсуман* лексемаси ўз доирасидаги бошқа бирликлар билан “ҳаво ва тупроқдаги органик ва анорганик моддалар билан озиқланадиган” “бирор жойга ўрнашган ҳолда ўсадиган” семалари воситасида умумий белги ифодалайди.

“Ўсимлик” архисемаси асосида бир парадигмани ташкил қилувчи лексемалар таркибидаги *ёсуман* лексемаси “хуш исли”, “оқ ва сариқ тусли гул” семалари билан ўзи мансуб бўлган парадигма аъзоларидан фарқ қилади. “Хуш исли”, “оқ ва сариқ тусли гул” белгилари *ёсуман* лексемасининг хусусий (фарқловчи) белгиси ҳисобланади.

Масалан:

Малоҳатким, сени юзунгда кўрдум,

На бордур гулда бу, на ёсуманда.

(Фурқат).

“Ўсимлик” архисемали лексемалар парадигмаси таркибидаги *мушк* лексемасининг умумий семаси ҳам “ҳаво ва тупроқдаги органик ва анорганик моддалар билан озиқланадиган” “бирор жойга ўрнашган ҳолда ўсадиган” семалари саналади. *Мушк* семаси бу семалари билан “ҳаво ва тупроқдаги органик ва анорганик моддалар билан озиқланадиган бирор жойга ўрнашган ҳолда ўсадиган” лексемаси билан туташади. “Қора тусли”, “Хуш исли” семалари “ўсимлик” архисемали парадигмага мансуб *мушк* лексемасининг хусусий семаларини ташкил этади.

***Сочинг саргаштаси мушки хижодур,
Кўзунг овораси оху Хўтанда.***

Шамшод лексемаси “ҳаво ва тупроқдаги органик ва анорганик моддалар билан озиқланадиган” “бирор жойга ўрнашган ҳолда ўсадиган” семалари билан бир парадигмани ташкил этувчи аъзо сифатида юзага чиқади.

“Ҳаво ва тупроқдаги органик ва анорганик моддалар билан озиқланадиган” “бирор жойга ўрнашган ҳолда ўсадиган” семаси *шамшод* лексемасининг умумий семасини ифодалайди. *Шамшод* лексемасининг “сарвга ўхшаган”, “хушқомат”, “чиройли” семалари бу лексеманинг хусусий белгиси саналади. *Шамшод* лексемаси сарвга ўхшаган ва чиройли дарахт, мумтоз адабиётда севгилининг бўйини хушқоматликда бу дарахтга ўхшатиш, шамшоднинг барглари тола-тола бўлганидан унга сочи ҳам ўхшатиш маъноларини англатади.

***Юзу қаддинг кўруб, жоно, чаманда,
Асиринг бўлди гул, шамшод банда.***

(Фуркат).

Сарв лексемаси ҳам ўсимлик микромайдонидаги бошқа қатор бирликлар каби “ҳаво ва тупроқдаги органик ва анорганик моддалар билан озиқланадиган” “бирор жойга ўрнашган ҳолда ўсадиган” умумий семаларига эга “ўсимлик” архисемали парадигма аъзосини ташкил этади. “Тўғри ўсадиган”, “тик ўсадиган”, “қишин-ёзин кўм-кўк турадиган”, “ҳиди ёқимли”, “хушқомат дарахт” каби хусусий семаларни англатади. Мумтоз адабиётда “гўзал севгилининг қадди-қомати”, “гўзал севгилининг ўзи”; “*Сарвиноз*” – гўзал, келишган севгили; *Сарви озод* – 1) чиройли ва тик ўсган сарв; 2) маж. Хушқомат севгили; Сарви равон, - хиромон – Гўзал юришли нозанин; севгили; Сарви сиҳий – Бўйи келишган гўзал; Сарви чолак – Чаққон гўзал, чаққон ёр каби семаларни ҳам англатади.

Ойнаи жамолинг фасли баҳор эмасму?

Гулшанда сарв қаддинг бир жилвазор эмасму? (Фурқат).

Унноб лексемаси “ҳаво ва тупроқдаги органик ва анорганик моддалар билан озиқланадиган” “бирор жойга ўрнашган ҳолда ўсадиган” умумий семаларига эга ва “ўсимлик” архисемали парадигма аъзосини ташкил этади. “кўп йиллик”, “йирик-йирик мевали”, “жигар ранг тусдаги чилонжийда” каби хусусий семаларни англатади.

Айбим этма, соқие даврон аро маст ўлмасам,

Шарбати маълидек эрмас бодам унноблар. (Фурқат).

Сунбул лексемаси ҳам “ҳаво ва тупроқдаги органик ва аорганик моддалар билан озикланадиган” “бирор жойга ўрнашган ҳолда ўсадиган” умумий семалар асосида “ўсимлик” архисемали birlikлар қаторидан жой олади. “Бир турли” “хушбўй”, “қора рангли ўсимлик” каби белгиларига эга ва бу белгилар сунбул лексемасининг хусусий семаси ҳисобланади.

Мумтоз адабиётда *сунбул* лексемаси мажозий маънода “севгилимнинг сочи” маъноларни ифодалаш учун ишлатилади.

***Айлади кўнгулларни дарду зам гирфтори,
Тебратиб сабо очса, сунбул паришонинг.*** (Фуркат).

Нахл лексемаси “ўсимлик” архисемали парадигма аъзосини ташкил этади. “Кўчат”, “ёш дарахт”, “хурмо дарахти” каби хусусий белгиларга эга. Мажозий маънода “севгилининг қомати”; Нахли малоҳат самари – гўзаллик дарахти меваси; Нахли раъно – чиройли дарахт маъноларини ифодалайди.

***Қоматинг нахли гулу барги они пироҳанинг,
Кўрмасун боди самум, осибӣ ёраб, гулшанинг.*** (Фуркат).

Настарин лексемаси “ҳаво ва тупроқдаги органик ва аорганик моддалар билан озикланадиган” “бирор жойга ўрнашган ҳолда ўсадиган” семасини ифодалайди. Бирор жойга ўрнашган ҳолда ўсадиган семаси *настарин* лексемасининг парадигма доирасидаги бошқа қатор лексемалар билан умумлаштирувчи семаси ҳисобланади. Ўсимлик оламининг “оқ очиладиган”, “хушбўй исли”, “бир хил гул” маъноларини

англатади ва оқ очиладиган “хушбўй исли”, “бир хил гул” семалари бу лексеманинг хусусий семаларини ташкил этади. Мумтоз адабиётда “оқ бадан”, “чиройли бадан”, “оқ юзли”, “гўзал”, “дилбар” маъноларида ишлатилади.

***Ол этти оразингни май тоби бўстонда,
Аидоъки, настаранга гул барги тар тўкилди.*** (Фурқат).

Арвугон лексемаси ҳам айнан ўсимлик оламини “Баҳорда очиладиган”, “Қизил гулли дарахт” семалари билан намоён бўлишини ифодалайди.

Шукуфа лексемаси “ҳаво ва тупроқдаги органик ва анорганик моддалар билан озикланадиган”, “бирор жойга ўрнашган ҳолда ўсадиган” семалари билан “ўсимлик” архисемали парадигма аъзосини ташкил этади. “Гул”, “чечак”, “ғунча” семалари *шукуфа* семасининг хусусий семалари саналади.

***Шохона сайр қилдинг рафтор ила чаманда,
Гуллар шукуфасидин бошингга зар тўкилди.*** (Фурқат).

Умуман, “ўсимлик” семали лексемалар ўсимлик микромайдони доирасида, бутун тил системасида алоҳида ўрин тутади.

2.3. “БЕЛГИ” АРХИСЕМАЛИ ЎЗЛАШМА ЛЕКСЕМАЛАР

“Нарса, воқеа-ҳодисаларнинг ўзига хос хусусияти” “сифати” семалари асосида *маҳтоб, арғувоний, қоҳий, рафъи, саҳл, тийра, малул, гулгун, мунта, наб, сангдил, густоҳ, сабз, мусалсал, савдойи, аҳмар, дилфигор, банд, бесор, маҳзун, саргашта, гариб* кабилар лексик сатҳ доирасида бир парадигматик системанинг элементларини ташкил этади.

Бир парадигмага мансуб аъзолар умумий (бирлаштирувчи) белгига эга бўлиши билан бирга, ҳар қайсиси бир-биридан фарқ қиладиган хусусий белгиларга ҳам эга бўлади.

“Белги” архисемали лексемалар ичида *маҳтоб* лексемаси “нарсa, воқеа-ҳодисаларнинг ўзига хос хусусияти” “сифати” семалари воситаси умумий белги ифодаляди. *Маҳтоб* лексемаси “ойдин”, “хусусият”, “ҳолат” семалари билан ўзи мансуб бўлган парадигма аъзоларидан фарқ қилады. “Ойдин”, “хусусият”, “ҳолат” белгилари лексеманинг хусусий (фарқловчи) белгиси саналади. Мумтоз адабиётда “гўзал ёр”, “севгили” *Маҳи хиргоҳий* “парча ичидаги севгили”, *Маҳи ховари* – “шарқлик гўзал”, *Маҳи хиргаҳнишин* – “чодир ичидаги, парча ичидаги гўзал” каби маъноларни англатади.

Масалан:

Қони бир ёреки, гулгашт айласак қўл ушлашиб,

Беҳалал, оҳиста-оҳиста шаби маҳтоблар. (Фуркат).

Арғувон лексемаси “белги” архисемали парадигма аъзосини ташкил этади. “Арғувон рангли”, “тўқ қизил” каби семалар лексеманинг хусусий белгилари саналади.

Лаългун соғарда, соқий, арғувоний бодани

Сибқориб бергум эрур, ғамдин дилим хуноблар (Фуркат).

“Нарса, воқеа-ҳодисаларнинг ўзига хос хусусияти” “сифати” семалари *коҳий* лексемасининг парадигма доирасидаги бошқа қатор лексемалар билан умумлаштирувчи семаси ҳисобланади.

“*Сомон тусли*”, “*сарик*” каби хусусий белгилари *коҳий* лексемасининг хусусий белгисини ташкил этади.

Рафъ лексемаси “белги” семаси билан шу гуруҳга мансуб бир парадигма аъзосини ташкил этади. “Юксак”, “баланд”, “юқори”, “олий”, “аъло” хусусий семаларини англатади.

Саҳл лексемаси “белги” архисемали парадигма аъзосини ташкил этади. “Осон”, “енгил”, “қулай”, “арзимас” каби хусусий белгиларга эга. “Хусусият” умумий семаси орқали бошқа парадигма аъзосини ҳам ташкил этади.

Саҳл, агар бўлса паришон, дилбарим, қилсанг нигоҳ,

Қилди оҳуни Хўтон даштида сарсон кўзларинг. (Фуркат)

Тийри лексемаси “белги” архисемали парадигмани ташкил этади. Бу эса *тийри* лексемасининг умумлаштирувчи семаси ҳисобланади. “Қора” ранг семаси *тийри* лексемасининг хусусий семасини ифодалайди. “Ранг” семаси орқали *тийри* лексемаси бошқа парадигма аъзосини ташкил этади.

***Ногаҳон ошиқларинга тийри мижгонлар отиб,
Рахна дил мулкига солди номусулмон кўзларинг.*** (Фурқат)

Малул лексемаси “қайғули”, “ғамгин”, “хафа”, “ҳазин”, “мунгли”, “махзун”, “ғамнок” каби хусусий семаларни ифодалаб, “нарса, воқеа-ҳодисаларнинг ўзига хос хусусияти” семасига бирлашиб, “белги” архисемали парадигма аъзосини ташкил этади.

***Ўзгалар васлингда шоду, мен фироқингда малул,
Жоним айласун, қани оқиллигу донолигинг?*** (Фурқат)

Гулгун, сабз, аҳмар лексемалари ҳам “нарса, воқеа-ҳодисаларнинг ўзига хос хусусияти” умумий сема асосида “белги” архисемали birlikлар қаторидан жой олади.

Гулгун лексемаси “гулранг”, “пуштиранг”; *сабз* лексемаси “яшил”; *аҳмар* лексемаси “қизил”, “ол”, “қирмиз” белгиларига эга ва бу белгилар *гулгун, сабз, аҳмар* лексемаларининг хусусий семаси ҳисобланади. “Ранг” семасини ифодаловчи бу лексемалар, “ранг” умумий семасига бирлашиб, “ранг” архисемали лексемалар парадигмасини ташкил этади ва хусусий белгилари билан ўзаро фарқланади.

***Бодом гулгун тўкулмиш мастлигингдин базм аро,
Ё менинг қоним эрур умсим тутубдур доманинг.*** (Фурқат)

*Оразинг эрур жаннат, чашма ҳуру гуломинг,
Қоматинг эрур тўбу, хатти сабз райҳонинг.* (Фурқат)

*Савби аҳмаринг акси гўйё маҳу ҳуршид,
Олама зиё берди, турфадур бу эҳсонинг.* (Фурқат)

Баид лексемаси умумий “нарсa, воқеа-ҳодисаларнинг ўзига хос хусусияти” “сифати” семалари асосида “белги” архисемали парадигма аъзолари қаторидан жой олади. “Узоқ”, “йироқ”, “олис”, “ироқ” каби семалари *баид* лексемасининг хусусий семаларини англатади. Бу эса *баид* лексемасини “шакл-ҳажм” архисемали парадигма аъзолари билан ҳам ўзаро муносабатга киришишини кўрсатади.

*Ийб айёми агар хурсанд қилмоқ истасанг,
Ҳажринга этма қарийбу қилма васлингдин банд.* (Фурқат)

Х У Л О С А

Тил луғат таркибининг ривожиди маълум қонуниятларига асосланади. Луғат таркибида муайян тарихий даврлар ўтиши билан ўзига хос маълум ўзгаришлар юз бериши мумкин. Бундай ўзгаришлар маълум ички қонуният, ташқи кучлар таъсирида, объектив равишда, маълум мезонлар доирасида юз беради. Тилга бошқа тиллардан сўз қабул қилиш ҳам худди шундай. Умуман, ҳар қандай тил соф ҳолда яшай олмайди. Турли тилларнинг турли тарихий шароитларда ўзаро маълум муносабатда бўлиши қонуний ҳолдир.

Ҳозиргача тўпланган илмий манбалардан маълум бўлишича, ўзбек тилига лексема ўзлаштиришнинг манбалари турли даврларда турлича бўлган. Тадрижий жиҳатдан лексема ўзлаштиришдаги энг қадимги манбалар деб форс-тожик, араб тиллари кўрсатилади.

Форс, тожик, араб тилларидан лексема ўзлаштириш тарихан актив бўлган, ҳозир эса пассивлашган.

Форс-тожик элементларининг ўзлашишида ёзма манбалар билан бир қаторда оғзаки тил алоқаси муҳим роль ўйнаган. Турмушга оид, ҳунармандчилик, касб-кор, деҳқончилик ва чорвачилик, оддий муомала ва расм-русумларга оид тожикча сўзларнинг кўпи ўзбек тилига ўзбек-тожик маҳаллий шеваларнинг ўзаро алоқаси натижасида кириб келган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни таъкидлаш лозимки, ўзбек тилидаги арабча лексемаларнинг кўпи ёзма манбалардан олинган. Бундай ўзлаштириш, асосан, Ўрта Осиёга ислом динининг кириб келиши, мактаб – мадрасаларда дин тили деб араб тилининг тарғиб қилиниши, шарқда умуман фан тили деб

араб тилининг қабул қилинганлиги каби омиллар билан боғлиқ. Демак, араб тилидан бевосита ўзлашмалар, асосан, фанга ва динга доир лексемаларга тўғри келади.

Кўпчилик арабча лексемаларнинг ўзбек тилига ўзлашувидан форс, тожик тилининг ўрни катта. Асли бундай сўзлар ўзбек тилига форс, тожик тилидан олинган, форс, тожик тили эса, ўз навбатида, араб тилидан ўзлаштирган. Бундай йўл билан ўзлашган лексемалар асосан кундалик турмушда учрайдиган нарса ва ҳодисаларнинг номларига тўғри келади.

Таҳлиллардан кўринадики, кейинги йилларда тилшуносликда системлингвистиканинг қулай усуллари билан бири сифатида тил бирликларини майдон асосида ўрганиш кенг йўлга қўйилди. Тил системасини майдон асосида тадқиқ этиш тилнинг ифодалаш табиатини очиш билан узвий боғлиқдир, чунки объектив олам бир бутун система бўлиб, унинг узвлари муайян микрооламлардан иборатдир. Бу микроолам инсон онги орқали тилда ўз ифодасини топади.

Фурқат лирикасидаги ўзлашма лексемаларни чуқур ўрганиш, шу билан бирга, ўзлашма лексемаларни муайян майдонлар асосида таркибий қисмларга бўлиш, хусусан, ҳар бир мазмуний майдонни ўзига хос микромайдонларга ажратиш, бу мазмуний майдонларнинг ички тузилиши, уларнинг ўзар муносабати, микромайдонларнинг ички структураси билан боғлиқ тадқиқотлар ўзлашма лексемаларнинг системавий табиатини очишга катта аҳамиятга эга. Ўзлашма лексемаларни майдон асосида ўрганиш объектив олам тузилишининг инсон онгидаги инъикосини аниқ белгилаш учун қулай имконият яратади.

Умуман, Фурқат лирикасидаги ўзлашма лексемаларнинг мазмуний майдони хилма – хил бўлиб, уларни тафаккур семали, шахс семали, ўсимлик семали, белги семали, пайт семали, макон семали, нарса-буюм семали, ҳайвон семали каби микромайдон доирасида ўрганиш мумкин. Юқоридаги микромайдонлар ўртасидаги ички муносабатларни атрофлича таҳлил этиш ўзбек тилшунослигида катта аҳамиятга эга.

Ўзлашма лексемаларни майдон назарияси асосида ўрганиш идеографик луғатлар тузишда ҳам муносиб аҳамият касб этади. Бу эса Фурқат лирикасидаги ўзлашма лексемаларни осон ўзлаштиришга, у ёки бу тушунчаларни ифодаловчи сўзни топишга қулай восита вазифасини бажаради.

Хулоса сифатида айтиш керакки, ўзлашма лексемалар тил тизимида ўзига хос ўринга эга.

Ўзлашма лексемалардан нутқда фойдаланиш фикр ифодасига ижобий таъсир кўрсатади. Бу эса нутқнинг имконият доирасини кенгайтиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., Ўзбекистон, 1999.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., Маънавият, 2008.
3. Алишер Навоий асарлари луғати. – Т., 1972.
4. Гулямов А.Г. К некоторым вопросам аффиксации в узбекском языке. – В сб.: Академику В.А.Кордлевскому к его семидесятилетию. М., 1953.
5. Добродомов И.Г. Из аланского пласта иринских заимствований чувашского языка., 1980.
6. Звегинцев В.А. История арабского языкознания. М., 1958.
7. Искандарова Ш. Ўзбек тили лексикасининг мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс микромайдони): Филол.фанл.докт.... дисс... Т., 1999.
8. Искандарова Ш. Тил системасига майдон асосида ёндашув. Фарғона, 2007.
9. Искандарова Ш. Лексикани мазмуний майдон асосида ўрганиш муаммолари. Т.: Фан, 1998.
10. Ишбердин Э.Ф. Монгольские заимствования в башкирском языке. 1979.
11. Лингвистический энциклопедический словарь. М., 1990.
12. Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. Т., 1978.
13. Мирзаев Н. Этнографическая лексика узбекского языка. АКД. Т., 1971.

14. Мирзақулов Т. Ўзбек тили морфем парадигматикаси ва синтагматикаси: Филол.фанл.докт.... дисс...автореферат Т., 1994.
15. Муҳаммаджонова Г. Ўзбек тили лексикаси тараққиётининг баъзи масалалари. Т., 1972.
16. Мухторов Ж., Ражабов Н. Ўзбек тили тарихини яна ҳам чуқур ўрганайлик. Ўзбек тили ва адабиёти. Жур. 1960. 6-сон. 75-бет.
17. Набиева Д.А. Ўзбек тилининг турли сатҳларида умумийлик-хусусийлик диалектикасининг намоён бўлиши. Т., Шарқ, 2005.
18. Нишонова Н.Р. Ўзбек тилида “Ҳайвон” архисемали лексемалар майдонининг мазмуний таҳлили: Филол.фанл.докт.... дисс...автореферат. Т., 2000.
19. Нурмонов А. Лисоний белги хусусиятлари ҳақида. Андижон, 1992.
20. Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. Т., Ўзбекистон, 2002.
21. Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш., Искандарова Ш., Набиева Д. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология. Т.: Янги аср авлоди, 2001.
22. Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш. Грамматик категория муаммосига доир айрим мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти, 1998. 6-сон. – Б. 21-26.
23. Н.Ҳотамов. Фурқат. Ғазаллар. Тошкент, 1959.
24. О.Шарафиддинов, Н.Каримов. ва бош. Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 1-2-жилд. Тошкент. Маънавият, 2000.

25. Пинхасов Я. Ҳозирги замон ўзбек тили лексикаси. Т., 1960.
26. Раҳматуллаев Ш. Семема-муствақил тил бирлиги // Ўзбек тили ва адабиёти. 1984. 5-сон.
27. Русча-ўзбекча луғат. 4 том. Т., 1954. 125-126-бетлар.
28. Салоев Р.Б. Ўзбек тилида исми фоллар: Филол.фанл.докт.... дисс...автореферат. Самарқанд. 1994.
29. Собиров А. Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида тадқиқ этиш. Т., Маънавият, 2004.
30. Тожиев Ё. Ўзбек тилида шахс отлари ясовчи аффикслар синонимияси. – Т., Ўқитувчи, 1987.
31. Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари. Т., 1962.
32. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1 том. М.: 1981. – Б. 582.
33. Қурбонова Б. “Яшаш” архисемали лексемаларнинг локаллик микромайдонидаги ўрни // Нутқ лингвистикаси. Халқаро илмий-назарий конференция материаллари. Самарқанд, 2006.
34. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Т., 1980.
35. Холид Расул. Фурқат шеъриятдан. Тошкент, 1980.
36. Холид Расул. Фурқат. Танланган асарлар, Тошкент, 1959.
37. Холид Расул. Фурқат. Шеърлар. Тошкент. 1951.